

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ **32-33-сон**
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ **(168-169)**
ТЎПЛАМИ **2005 й.**
август

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпلامнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпلامнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуққий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

241. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 4 мартдаги «Рангли металлар парчалари ва чиқиндилари ўғирланиши ҳамда ноқонуний четга олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–2559-сонли Фармониغا қўшимча киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 августдаги ПФ–3643-сон Фармони
242. «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 августдаги ПФ–3644-сон Фармони
243. «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 августдаги ПҚ–148-сон қарори
244. «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг маълумотлар узатиш хизматларини ривожлантириш ва уни хусусийлаштиришга тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 июлдаги ПҚ–149-сон қарори [Кўчирма]
245. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларини ижтимоий

мухофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 19 августдаги ПҚ–158-сон қарори

Учинчи бўлим

246. «Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектлари томонидан хорижий мамлакатлардаги улар ташкил этган савдо уйлари, ваколатхоналар, корхоналар орқали, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг хорижий мамлакатлардаги савдо-инвестиция уйлари орқали олиб чиқиладиган товарларни божхонада расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 9 августдаги 189-сон қарори
247. «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 10 августдаги 191-сон қарори
248. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 10 августдаги 192-сон қарори
249. «Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш механизминини такомиллаштириш тўғрисида» 1998 йил 27 майдаги 232-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 августдаги 193-сон қарори
250. «Ўзбекистон Республикаси умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 12 августдаги 194-сон қарори
251. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 12 августдаги 196-сон қарори
252. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни қучайтириш тўғрисида» 2005 йил 15 июндаги ПҚ–100-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 августдаги 197-сон қарори
253. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 20 июндаги ПФ–3620-сон Фармони)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 августдаги 198-сон қарори
254. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 августдаги ПҚ–154-сон

қарорининг бажарилишини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 августдаги 199-сон қарори

255. «Матбуот, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар соҳасида бошқарув тизимларини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 августдаги 200-сон қарори

Бешинчи бўлим

256. «Корхоналарни модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш бўйича салмоқли сармоя киритиш шарти билан назорат пакетини ташкил қилмаган акция пакет (улуш)ларини сотиб олган инвесторларга давлат улушини бошқариш ҳуқуқини бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2005 йил 8 июлдаги 01/06-18/03-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 5 августда 1504-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
257. «Ўзбекистон Республикаси орден ва медаллари билан мукофотланган шахсларга бир йўла тўланадиган пул мукофотларини тўлашга маблағларни ажратиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2005 йил 23 июлдаги 67-сон қарори (янги таҳрирда). (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 5 августда 1505-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
258. «Кадрларни давлат грантлари асосида мақсадли тайёрлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2005 йил 7 июлдаги 58, 154-1, 19, 02/2658-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 6 августда 1506-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
259. «Олий таълим муассасаларининг педагогика ва касбий таълим йўналишлари бўйича давлат грантлари асосида таҳсил олган битирувчиларни умумтаълим мактаблари ва таълим муассасаларига ишга тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомни бекор қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2005 йил 1 августдаги 57, 154-2, 19-1, 02/2658-1-сон қарори. (*2005 йил 10 августда давлат реестридан чиқарилди*)
260. «Тайёр кийим-кечак (тикувчилик, трикотаж ва чарм буюмлар), пайпоқлар ва пойфазал ишлаб чиқаришга ихтисослашган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга нисбатан солиқ имтиёзларини қўллаш ва бўшаб қолган маблағлардан мақсадли фойдаланиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат статистика қўмитасининг 2005 йил 9 августдаги 72, 62, 2005-43,

4-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 10 августда 1264-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

261. «2005 йилда ғўза дефолиациясини ўтказиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2005 йил 11 августдаги 169-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 11 августда 1507-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

262. «Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2005 йил 3 августдаги 71, 266-В-сон қарори (янги таҳрирда). (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 11 августда 1508-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2005 йил 5 августдан 19 августгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

241 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 4 мартдаги «Рангли металллар парчалари ва чиқиндилари ўғирланиши ҳамда ноқонуний четга олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–2559-сонли Фармонига қўшимча киритиш ҳақида

Республикада аккумулятор батареялари ишлаб чиқариш учун хомашё базасини кенгайтириши мақсадида:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 4 мартдаги «Рангли металллар парчалари ва чиқиндилари ўғирланиши ҳамда ноқонуний четга олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–2559-сонли Фармонининг 4-банди қуйидаги сўзлар билан тўлдирилсин: «жисмоний шахслардан ишлатиб бўлинган (кислотали-қўрғошинли батареялар) аккумуляторларни қабул қилиб олиш бундан мустасно».

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2005 йил 5 август,
ПФ–3643-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

242 Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотининг энг муҳим вазифаси инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, аввало, асоссиз жиноий таъқиб ва хусусий ҳаётга аралашишдан ҳимояланиш, шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари ҳамда адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқи самарали муҳофаза этилишини таъминлаш ҳисобланади.

Сўнгги йилларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш, инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишнинг энг муҳим кафолати сифатида суд ҳокимиятининг нуфузини мустаҳкамлаш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уларнинг демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаро-

лик жамиятини барпо этишдаги ролини кучайтириш борасида муҳим ишлар амалга оширилди.

Судларнинг жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ихтисослаштирилиши қонунан мустаҳкамлаб қўйилди, бу эса ишларни кўриб чиқиш сифати ошишини таъминлади, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтирди. Ишларни кўриб чиқишнинг апелляция тартиби жорий этилиши суд хатоларини ўз вақтида тузатиш, суд ишларини юритишда сансалорликка йўл қўймасликнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Кассация инстанцияси ислоҳ қилинди: фуқаролар қонуний кучга кирган суд қароридан норози бўлган тақдирда ўз ҳуқуқларини мазкур инстанцияда шахсан ва бевосита ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлдилар. Суд процессида айблов билан ҳимоянинг ҳуқуқий жиҳатдан тенглигини, уларнинг тортишув принципини амалга оширишни таъминлайдиган ҳуқуқий механизмлар яратилди.

Дастлабки тергов муддатлари икки йилдан бир йилгача ҳамда айбланувчиларни қамоқда сақлаш муддатлари бир ярим йилдан 9 ойгача, алоҳида ҳолларда эса 1 йилгача қонун йўли билан қисқартирилди. Шунингдек, ушбу эҳтиёт чорасини қўллаш доираси чекланди.

Қонунчиликни, ҳуқуқни қўллаш амалиётини либераллаштириш бўйича юқоридаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши судгача тергов, одил судловнинг тезкорлиги ва сифати ошишини, суд процесси иштирокчилари ҳуқуқларига риоя этилишининг процессуал кафолатлари кенгайтишини таъминлади.

Мамлакатда рўй бераётган судгача терговни либераллаштириш далолати сифатида фуқароларни қамоққа олиш тариқасидаги эҳтиёт чорасидан фойдаланиш сўнги 4 йилнинг ўзиде икки баравардан кўпроққа қисқарди.

Суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштиришнинг энг муҳим вазифаси судгача тергов босқичида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш бўйича суд ваколатларини кенгайтириш, энг аввало, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратура органларидан судларга ўтказишдан иборатдир. Ушбу чора фуқароларнинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик борасидаги конституциявий ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши самарадорлигини сезиларли даражада ошириш имконини беради. Шу билан бирга бу шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлиги ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги белгиланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принцип ва нормаларига ҳам тўла мос келади.

Айни вақтда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судлар ваколатига ўтказиш Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия кодекслари ва бошқа қонун ҳужжатларига пухта ишлаб чиқилган тегишли ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилганидан; бу соҳадаги хорижий тажриба ўрганилганидан; судлар томонидан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий, процессуал механизмлари ишлаб чиқилганидан; суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизими кадрларини тегишлича тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда бошқа тайёргарлик тадбирлари ўтказилганидан кейин изчиллик билан амалга оширилиши лозим.

Суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ процессуал мажбурлов чораларини қўллашга санкция бериш ҳуқуқи судларга босқичма-босқич ва изчил ўтказилишини таъминлаш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг фуқароларни суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқини белгиловчи 19, 25 ва 44-моддаларига мувофиқ:

1. Жиноят содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи 2008 йил 1 январдан эътиборан судлар ваколатига ўтказилсин.

Белгилансинки, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш қонунда белгиланган бошқа эҳтиёт чораларини қўллаш самарасиз бўлган алоҳида ҳолатларда ва фақат жиноят ишлари бўйича судлар ёки ҳарбий судлар ваколатига мувофиқ уларнинг қарори бўйича амалга оширилиши лозим.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий суди, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати уч ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия кодексларига, Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида», «Прокуратура тўғрисида»ги қонунларига қамоққа олишга санкция бериш, қамоқда сақлаш муддатларини узайтириш тартиби ва жараёнларини белгиловчи, шунингдек судгача иш юритиш босқичида инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш, унинг дахлсизлигини таъминлаш борасида қўшимча қафолатларни белгиловчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар тайёрласин. Шу билан бирга мазкур Фармоннинг 1-бандига мувофиқ нафақат қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари, балки идоравий ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган норма ва нормативлар ҳам қайта кўриб чиқилиши зарур.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, молия, иқтисодиёт, адлия, ички ишлар вазирликлари, Бош прокуратураси, Миллий хавфсизлик хизмати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси икки ой муддатда қамоққа олишга санкция бериш бўйича прокуратура органларининг ваколатлари судларга ўтказилишини ҳисобга олиб, умумий юрисдикция судларини ташкилий-кадрлар жиҳатдан таъминлаш тизимини такомиллаштиришга оид таклифлар тайёрласин.

4. Ўзбекистон Республикаси адлия, ички ишлар вазирликлари, Олий суди, Бош прокуратураси, Миллий хавфсизлик хизмати суд қарорига биноан қамоққа олиш тартиби жорий этилиши муносабати билан судьялар ҳамда прокуратура органлари, ИИБ ва МХХ тергов бўлинмалари ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

5. Ушбу Фармон Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг муҳокамасига киритилсин.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Худайбергенов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 8 август,
ПФ-3644-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

243 Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 26 июлдаги ПҚ-133-сонли қарорини ижро этиш юзасидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг тузилмасини унинг зиммасига юкланган вазифалар ва функцияларга мувофиқ тартибга келтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг тузилмасига қўшимча иқтисодиёт вазирининг макроиқтисодий параметрлар ва молия-валюта баланси масалалари бўйича биринчи ўринбосари лавозими киритилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг тузилмасида Индустрияни ривожлантириш, таркибий ва инвестиция сиёсати бош бошқармаси тугатилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг тузилмасига вазирнинг иқтисодиётни модернизация қилиш ва инвестиция дастурлари масалалари бўйича ўринбосари лавозими киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги марказий аппаратининг чекланган сони 158 штат бирлигидан (хизмат кўрсатиш ходимларидан ташқари) иборат янгиланган тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг тузилмаси ўзгарганлигини эътиборга олган ҳолда уни жорий таъминлашга давлат бюджети маблағлари ҳисобига зарур сарф-харажатларни назарда тутсин.


6. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 февралдаги 58-сонли қарорига 2 ва 4-бандлар ҳамда мазкур қарорнинг 1-илоvasи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари В.А. Голишев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 8 август,
ПҚ-148-сон

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги марказий аппарати тузилмаси



Ходимларнинг умумий чекланган сони — 158 киши
Шу жумладан бошқарув ходимлари — 158 киши

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

244 «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг маълумотлар узатиш хизматларини ривожлантириш ва уни хусусийлаштиришга тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида**[Кўчирма]**

«Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг маълумотлар узатиш хизматлари кўрсатиш борасидаги имкониятларини янада ривожлантириш ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ижтимоий соҳа объектлари ва йирик корпоратив мижозларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида замонавий ахборот технологияларига бўлган талаб-эҳтиёжларини қондириш, акциядорлик компаниясини хусусийлаштириш жараёнига хорижий иштирокчиларни кенг жалб этиш учун қулай шартшароит яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда «Ўзбектелеком» АК акциядорларининг «UzPAK» маълумотларини узатиш давлат тармоғи корхонасини «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясига қўшиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қуйидагилар:

2005 йилнинг 1 сентябригача «UzPAK» корхонаси «Ўзбектелеком» АКнинг «UzNet» филиали билан қўшилиб кетиши ҳисобига акциядорлик компаниясининг филиали этиб қайта ташкил этилиши;

«Ўзбектелеком» акционерлик компанияси «UzPAK» корхонасининг шартномалари ва мажбуриятлари, шу жумладан Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Маълумотлар узатиш миллий тармоғини замонавийлаштириш ва ривожлантириш лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 5 декабрдаги 466-сонли қарори билан белгиланган миқдор ва муддатларда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан кафолатланган кредитларни қайтариш мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворис эканлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси бир ой муддатда белгиланган тартибда «UzPAK» корхонаси мулкни «Ўзбектелеком» АК устав жамғармасига топширишни расмийлаштирсин.

5. Давлат бошқаруви органлари, давлат ташкилотлари, корхоналари ва муассасалари ўз корпоратив ахборот-телекоммуникация тармоқларини фақат Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоқлари ва операторлари маълумотларини узатиш негизида ташкил қилсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 4 августдаги «Ўзбекистон-Америка маълумотлар узатиш тармоғи қўшма корхонаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 369-сонли қарори ўз қучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан биргаликда икки ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартишлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 8 август,
ПҚ-149-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

245 Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ҳарбий хизматчиларини ижтимоий муҳофаза қилиш тизими-ни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасида кейинги йилларда Қуроли Кучларни ислохотлаштириш, замонавий қурол-яроғ ва техника билан жиҳозланган, турли вазиятларда мамлакат хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш бўйича мураккаб вазифаларни бажара оладиган сон жиҳатидан ихчам, ҳаракатчан ва мукамал бўлинмаларни ташкил этиш борасида миқёси ва мазмунига кўра катта ишлар амалга оширилди.

Шунинг билан бирга ҳарбий хизмат нуфузини ва ҳарбий хизматчиларнинг касб маҳоратини ошириш, уларнинг ижтимоий муҳофазаси масалалари доимо давлатнинг диққат марказида бўлиб, Ватан ҳимоячилари тўғрисидаги алоҳида ғамхўрлигининг асосини ташкил этади.

Қуроли Кучларни ислох этишдан иборат мана шу ғоят муҳим вазифаларни ҳал қилишда мамлакат ҳукумати томонидан армияни модернизациялаштириш жараёнида бўшайдиган ресурслар изланмокда ва йўналтирилмокда. Чунончи, 2002 йилдан бошлаб 20 дан ортиқ ҳукумат қарорлари қабул қилинди ва уларга мувофиқ ҳарбий унвонлар бўйича маошлар 2 баравардан кўпроқ оширилди, турли тоифалардаги ҳарбий хизматчилар учун мансаб маошларининг янги миқдорлари белгиланди. Қуроли Кучларнинг ҳар хил турлари ҳарбий хизматчиларининг касб маҳорати ўсишини рағбатлантириш мақсадида аъло хизмат, малака даражалари учун пул мукофотининг қўшимча турлари ҳамда иқлим шароитлари оғир бўлган жойлардаги хизмат учун ҳудудий коэффициентлар тўлаш белгиланди.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг ойлик пул таъминоти 2 баравардан ортиқ кўпайтирилди, улар захирага бўшатилаганида бериладиган нафақа энг кам иш ҳақининг 0,4 қисмидан 8 бараваригача оширилди.

Ҳарбий хизматчиларнинг овқатланишини ташкил этиш, уларни озик-овқат билан таъминлашнинг замонавий меъёр ва талаблари белгиланди. Тураржойлар ижараси учун компенсация миқдорлари ўрта ҳисобда 50 фоиз оширилди. Ҳарбий қисмларнинг инфратузилмасини такомиллаштириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила

аъзолари учун замонавий ижтимоий-маиший шарт-шароитлар яратиш бўйича турли дастурлар ишлаб чиқилмоқда ва амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ҳарбий хизматнинг нуфузини ошириш, ҳарбий хизматчиларнинг пул таъминоти, уларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш вазифаларини амалда ҳал этиш мақсадида:

1. 2005 йилнинг 1 сентябридан бошлаб муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг:

бошланғич нулинчи разрядга нисбатан 1,30дан 1,81гача коэффициентлар ўрнатилган ҳолда мансаб маошлари миқдори 1,2 баравар;

ҳарбий хизматдан бўшатилиш чоғида бериладиган нафақа миқдори 2 баравар оширилсин ҳамда энг кам иш ҳақининг ўн олти баравари миқдоридида белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари офицерлари ҳамда контракт бўйича хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларининг мансаб маошларига мавжуд 15 фоизли ойлик устама ҳақ бекор қилиниб, иловага мувофиқ ҳарбий унвонлар бўйича маошларнинг янги миқдорлари белгилансин.

2005 йилнинг 1 сентябридан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари офицерлари ва контракт бўйича хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларининг пул таъминотига белгиланган хизмат муддатини ўтаганлик учун ойлик фоизли устама ҳақ миқдорлари қуйидагича белгилансин:

3 йилдан 5 йилгача хизмат муддатини ўтаганда — 15 %;

5 йилдан 10 йилгача хизмат муддатини ўтаганда — 25 %;

10 йилдан 20 йилгача хизмат муддатини ўтаганда — 30 %;

20 йилдан ортиқ хизмат муддатини ўтаганда — 30 %.

3. Мудофаа вазирлиги (Қ. Ғуломов), Ички ишлар вазирлиги (З. Алматов), Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (Б. Субанов), Миллий хавфсизлик хизмати (Р. Иноятов) Молия вазирлиги (С. Раҳимов) билан биргаликда икки ҳафта муддатда пул таъминоти тузилмасини мақбуллаштиришни, ҳарбий хизматчиларнинг касб маҳорати ўсишини рағбатлантирмайдиган тўловларни бекор қилишни назарда тутилган ҳолда тегишли идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартишлар киритсин.

Ажратиладиган давлат ресурсларидан, моддий-техника воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, Қуролли Кучларни мустаҳкамлаш, уларни замонавий техника ва қурол-аслаҳалар билан жиҳозлаш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун замонавий ижтимоий-маиший шарт-шароитлар яратиш, ҳарбий хизматчиларнинг пул таъминоти тизимини янада такомиллаштириш борасидаги мақсадли вазифаларни ҳал этиш учун моддий ва молиявий ресурсларнинг қўшимча манбаларини аниқлаш бўйича бошланган ишларни давом эттирсин.

4. Белгилансинки, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар хизматдан бўшатиладиганида бериладиган пул миқдорини ошириш билан боғлиқ сарф-харажатлар Молия вазирлигининг «Сафарбарлик чақирув захираси маблағлари» Махсус ҳисобварағи маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Ушбу қарорни бажариш билан боғлиқ бошқа харажатлар ҳарбий хизмат назарда тутилган вазирликлар ва идораларга ҳар йили ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (С. Раҳимов) мазкур қарорнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда кўрсатиб ўтилган вазирликлар ва идораларнинг харажатлар сметасига белгиланган тартибда тегишли ўзгартишлар киритсин.

5. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош

вазири Ш. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши Котиби Р. Мирзаев зиммаларига кжлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 19 август,
ПҚ-158-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

246 Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектлари томонидан хорижий мамлакатлардаги улар ташкил этган савдо уйлари, ваколатхоналар, корхоналар орқали, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг хорижий мамлакатлардаги савдо-инвестиция уйлари орқали олиб чиқиладиган товарларни божхонада расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектлари томонидан хорижий мамлакатлардаги улар ташкил этган савдо уйлари, ваколатхоналар, корхоналар орқали, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг хорижий мамлакатлардаги савдо-инвестиция уйлари орқали олиб чиқиладиган товарларни божхонада расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

3. Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектлари томонидан хорижий мамлакатлардаги улар ташкил этган савдо уйлари, ваколатхоналар, корхоналар орқали олиб чиқиладиган товарларни божхонада расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2000 йил 8 июлдаги 260-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 7-сон, 36-модда);

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 2 февралдаги 65-18-сон қарорига 6-илованинг 3-банди;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2003 йил 14 январдаги 17-сон қарорига 1-илованинг 26-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 1-сон, 7-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўзларининг норматив ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирадилар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари В.А. Голишев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 9 август,
189-сон

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 9 августдаги 189-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи
субъектлари томонидан хорижий мамлакатлардаги улар ташкил
этган савдо уйлари, ваколатхоналар, корхоналар орқали,
шунингдек Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг
хорижий мамлакатлардаги савдо инвестиция уйлари орқали
олиб чиқиладиган товарларни божхонада расмийлаштириш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектлари томонидан хорижий мамлакатлардаги улар ташкил этган савдо уйлари, ваколатхоналар, корхоналар орқали, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси (кейинги ўринларда Палата деб аталади) аъзолари бўлган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан Палатанинг хорижий мамлакатлардаги савдо-инвестиция уйлари орқали олиб чиқиладиган товарларни божхонада расмийлаштириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

чет элдаги корхоналар — Ўзбекистон Республикаси хўжалик юритувчи субъектлари томонидан хорижий мамлакатларда таъсис этилган савдо уйлари, ваколатхоналар (шу жумладан юридик шахс бўлмасдан), корхоналар, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг хорижий мамлакатлардаги савдо-инвестиция уйлари;

экспортчилар — товарларни хорижий мамлакатлардаги ўзлари таъсис этган савдо уйлари, ваколатхоналар, корхоналар номига олиб чиқувчи хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси аъзолари бўлган, товарларни Палатанинг хорижий мамлакатлардаги савдо-инвестиция уйлари номига олиб чиқувчи хўжалик юритувчи субъектлар.

3. Экспортчилар томонидан товарларни чет элдаги корхоналар номига олиб чиқиш экспортнинг божхона режимида:

консигнация шартномалари (контрактлар) ва шартномаларнинг бошқа шакллари асосида — ҳисоб-китоблар тўғрисида маълумотнома тақдим этмасдан;

контрактсиз асосда (товарлар намуналари, чет элдаги корхоналар номига ўз эҳтиёжлари учун етказиб бериладиган мол-мулклар) қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Бунда олиб чиқилган товарлар ҳисоби божхона органлари томонидан юкнинг божхона декларацияси асосида юритилади.

Товарларни олиб чиқишга шартномалар (контрактлар) экспортчилар томонидан чет элда корхона таъсис этган ташкилотнинг ёки ушбу Низомнинг 6-бандида санаб ўтилган бошқа ташкилотларнинг тегишли маълумотномасини экспортчи томонидан тақдим этган ҳолда ваколатли банкда ва божхона органларида, белгиланган тартибда ҳисобга қўйилади.

4. Товарлар чет элдаги корхоналар номига олиб чиқиладиганда экспортчилар иловага мувофиқ шаклдаги ёзма ариза билан божхона органларига (Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бошқармаларига ва «Тошкент-АЭРО» ихтисослаштирилган божхона комплексига) мурожаат қиладилар.

Экспортчиларнинг аризалари, белгиланган тартибда, божхона органлари томонидан бир иш куни мобайнида кўриб чиқилади.

5. Божхонада расмийлаштирилган кундан бошлаб 180 кун мобайнида экспортчи шартномалар (контрактлар) асосида чет элдаги корхоналар номига олиб чиқилган товарлар бўйича валюта тушуми тушишини ёхуд ушбу товарларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қайтаришни таъминлайди.

Чет элдан валюта тушуми тушишини 30 банк кунидан кўпроқ муддатга кечикишига йўл қўйган экспортчига нисбатан, белгиланган муддатлар ўтгандан кейин солиқ органлари томонидан республика бюджети даромадига тушмаган валюта маблағлари суммасининг 100 фоизига тенг миқдорда молиявий санкция қўлланади.

Чет элдаги корхона номига олиб чиқилган ҳамда ташиш ва сақлаш жараёнида ёхуд экспортчига ва чет элдаги корхонага боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра яроқсиз бўлиб қолган товарлар юзасидан ваколатли органнинг тегишли экспертизаси даллатномаси ва/ёки товарлар турган мамлакат божхона органининг божхона назорати остида уларнинг йўқ қилинганлиги тўғрисидаги тасдиқномаси тақдим этилади.

Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар ваколатли банкда ва божхона органида шартномани (контрактни) ҳисобдан чиқариш учун асос ҳисобланади. Бунда экспортчига нисбатан молиявий санкциялар қўлланмайди.

6. Товар консигнация шартларида, банк кафолатномаси ёки сиёсий ва тижорат таваккалчиликларидан экспорт контрактларини суғурталаш полисини тақдим этмасдан экспортчи томонидан чет элдаги корхона номига:

Палатага аъзо бўлган экспортчининг ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлар Палатанинг савдо-инвестиция уйлари номига экспорт қилинганда;

ўз ишлаб чиқарган маҳсулот устав жамғармасида экспортчининг улуши камида 51 фоизни ташкил қиладиган чет элдаги корхона номига экспорт қилинганда;

вазирликлар, идоралар, уюшмалар ва компанияларнинг таркибий бўлинмалари ҳисобланадиган корхоналар томонидан вазирлик, идора уюшма ёки компаниянинг, шунингдек уларнинг ихтисослаштирилган ташқи савдо фирмалари ва компанияларининг устав жамғармасидаги улуши тегишли равишда камида 51 фоизни ташкил этган чет элдаги тегишли корхона номига экспорт қилинганда;

«Ўзмарказимпекс», «Ўзсаноатмашимпекс», «Марказсаноатэкспорт», «Ўзинтеримпекс» давлат ташқи савдо акциядорлик компаниялари, «Ўзташқитранс» давлат-акциядорлик компанияси ёки «Ўрта Осиё Транс» халқаро автотранспортда юк ташиш давлат-акциядорлик компанияси томонидан устав жамғармасида компания улуши камида 51 фоизни ташкил қиладиган чет элдаги корхона номига экспорт қилинганда етказиб берилиши мумкин.

7. Экспортчининг илгари амалга оширилган экспортга етказиб беришлар бўйича тўлов муддати ўтган дебиторлик қарзи мавжуд бўлганда ёки сотилмаган товар (тез бузиладиган товарлардан ташқари) тегишли муддатларда қайтариб олиб келинмаганда божхона органлари кейинги экспорт шартномалари (контрактлари) бўйича товарларнинг четга олиб чиқилишини рад этишга ҳақлидир.

Консигнация шартларида кейинги экспортга етказиб беришлар фақат ушбу қарз тўлангандан кейин амалга ошириш мумкин. Бунда экспортчи ўзи ишлаб чиқарган товарларни кейинги экспортга етказиб беришларда хизмат кўрсатувчи ваколатли банкнинг тузилган шартномалар (контрактлар) бўйича экспорт қилинган товарнинг қийматига мувофиқ бўлган валюта тушуми тушганлиги тўғрисида божхона органларига маълумотнома тақдим этади.

8. Давлат божхона қўмитаси хўжалик юритувчи субъектларнинг маҳсулотларни чет элдаги корхона орқали экспорт қилиниши ҳисобини юритиш мақсадида ҳар

ойда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги ҳамда Давлат статистика қўмитасига тегишли статистик маълумотларни белгиланган тартибда тақдим этади.

9. Юқорида кўрсатиб ўтилган экспорт операциялари бўйича хорижий валютадаги тушумларнинг тушишини назорат қилиш Давлат солиқ қўмитаси томонидан ваколатли банклар билан биргаликда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Валюта тушумларининг ўз вақтида ва тўлиқ тушиши юзасидан жавобгарлик қонун ҳужжатларига мувофиқ чет элдаги корхоналар раҳбарлари ва экспортчилар зиммасига юкланади.

Экспорт контрактлари бўйича маҳсулотлар сотишдан валюта тушуми экспортчиларнинг Ўзбекистон Республикаси ваколатли банкларидаги ҳисоб рақамларига ўтказилади. Экспортчи тушган тушумнинг бир қисмини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мажбурий равишда сотади.

Низомга
ИЛОВА

Давлат божхона қўмитаси

_____ (божхона органи номи кўрсатилади)

бошқармаси бошлиғи _____ га

_____ (божхона органи раҳбари Ф.И.О.)

Ариза

Сиздан _____
(товарнинг номи, вази, миқдори ва бошқа зарур тавсифлари кўрсатилади)

_____ нинг
_____ божхона
расмийлаштирувини «экспорт» божхона режимида хориждаги манзили _____
_____ бўлган,
(хориждаги корхона манзили)

_____ да ташкил этилган,
(юк юбориладиган мамлакат)
муассислари _____
_____ ҳисобланган
(Ўзбекистон Республикасидаги ташкилот номи)

корхона: _____

номига амалга оширишга рухсат беришингизни сўрайман.

Олиб чиқилаётган товарнинг тахминий нархи _____ сўм.

Ташкилот раҳбари

Ф.И.О.

М.Ў.

Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 9 августдаги 189-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга боришлари тартибини ва Ўзбекистон Республикасининг дипломатик паспорти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 1995 йил 6 январдаги 8-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1995 й., 1-сон, 1-модда) 3-илова 6-рўйхатнинг ўн учинчи хатбоши «шунингдек тижорат фаолиятини амалга оширмайдиган хориждаги унинг ваколатхонаси бошлиғи» сўзлари билан тўлдирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 29 июндаги 245-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 6-сон, 33-модда) 4-бандининг иккинчи хат боши «(савдо уйлари, савдо ваколатхоналари, шўъба корхоналар, фирма дўконлари, дилерлик шохобчалари ва консигнация омборлари)» сўзларидан кейин «шунингдек — Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси аъзолари — хўжалик юритувчи субъектлар томонидан Палатанинг савдо-инвестиция уйлари номига» сўзлари билан тўлдирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси фаолиятини ташкил этишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 22 сентябрдаги 441-сон қарорига 2-иловадаги «Ўзбекистоннинг чет эллардаги элчихоналаридаги ваколатхоналари» сўзлари «чет эллардаги, шу жумладан Палатанинг савдо-инвестиция уйлари шаклидаги ваколатхоналари» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

247 Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқар- маси тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси тузилмасини такомиллаштириш, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2005 йил 11 апрелдаги 99-сон қарорининг 2-бандига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармасининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон

хўжалиги бош бошқармаси марказий аппаратининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси марказий аппарати ходимларининг умумий чекланган сони 37 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари 27 нафар этиб белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирига Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ва унинг марказий аппаратининг ташкилий тузилмасини штатда белгиланган ходимлар сони доирасида мақбуллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш ҳуқуқи берилсин.


3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 10 август,
191-сон

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги
Ўрмон хўжалиги бош бошқармасининг ташкилий тузилмаси**



**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги
Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси марказий аппарати тузилмаси**



Ходимларнинг умумий чекланган сони 37 киши, шу жумладан бошқарув ходимлари 27 киши.

Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 10 августдаги 191-сон қарорига
3-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўзгартириш ва қўшимчалар киритилаётган қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ўрмон фонди ерларида овчилик хўжалигини ташкил этиш ва юритиш чора-тадбирлари тўғрисида» 1992 йил 12 октябрдаги 469-сон қарори 1-бандининг учинчи ва ўн биринчи хатбошидаги «Овчилик хўжалиги, қўриқхоналар ва миллий парклар» сўзлари «Қўриқхоналар, миллий табиий боғлар ва овчилик хўжалиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 2000 йил 20 мартдаги 98-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 3-сон, 13-модда):

2-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Белгилаб қўйилсинки, Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси марказий аппарати ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ўрмон хўжалиги бошқармаси фаолиятини маблағ билан таъминлаш уларга қарашли корхоналар ажратмалари ҳисобига амалга оширилади»;

3-банднинг учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси ўрмон хўжалиги бошқармаси бошлиғи Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан лавозимга тайинланади».

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2000 йил 14 апрелдаги 149-сон қарорига илованинг 13-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 4-сон, 20-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 30 мартдаги 160-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 3-сон, 20-модда) билан тасдиқланган Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси тўғрисидаги низомда:

4-банддаги «Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ўрмон хўжалиги бошқармалари» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси ўрмон хўжалиги бошқармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-банддаги «ўзининг ҳудудий бошқармалари» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси ўрмон хўжалиги бошқармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

12-банднинг учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси ўрмон хўжалиги бошқармаси бошлиғи Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан лавозимга тайинланади».

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ BAZИPЛAP MAХҚAMACИНИНГ ҚАРOPИ

248 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасига қисман ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2005 йил 25 июлдаги ПҚ-131-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги бир ой муддатда қуйидаги низомларнинг янги таҳрирдаги лойиҳаларини ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар:

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 4 январдаги 1-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши давлат мониторинги тўғрисида низом;

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 декабрдаги 538-сон қарори билан тасдиқланган Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисида низом;

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 июлдаги 268-сон қарори билан тасдиқланган Мурувват ёрдами юklarини қабул қилиш, ҳисобга олиш, аниқ йўналтирилган тарзда тақсимлаш ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги ҳамда Техник қўмаклашиш маблағлари мониторинги ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 10 август,
192-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 10 августдаги 192-сон қарорига
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 21 январдаги 45-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Устави 23-бандида:

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й.

тўртинчи ва бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

« — Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг биринчи ўринбосари;

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар йиғма ахборот-таҳлил департаменти мудирини;

саккизинчи хатбошидаги «ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари ва нотариал идоралар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тариф сеткасини жорий этиш тўғрисида» 1996 йил 12 апрелдаги 147-сон қарорига 1-иловадан биринчи қатор чиқариб ташлансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг барқарор ривожлантириш бўйича миллий комиссияси тўғрисида» 1997 йил 12 ноябрдаги 510-сон қарори 1-бандидаги ва 3-бандининг биринчи хатбошидаги «Агросаноат ва сув хўжалиги комплекслари» сўзлари «Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаментини ташкил этиш тўғрисида» 2001 йил 5 мартдаги 112-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 3-сон, 16-модда):

4-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошидаги «Ташқи алоқалар масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари «Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин;

5-банднинг биринчи хатбошидаги «Ташқи алоқалар масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари «Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига тузатишлар киритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2004 йил 13 августдаги 391-сон қарорига илованинг 3-бандидаги «Ташқи алоқалар масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари «Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини ташкил қилиш тўғрисида» 2004 йил 12 октябрдаги 475-сон қарорига:

а) 1-бандда:

иккинчи ва учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти;

Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари ахборот-таҳлил департаменти»;

олтинчи ва тўққизинчи хатбоши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 2-бандда:

иккинчи хатбоши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

тўртинчи хатбошидаги «3—10» рақамлари «5, 6, 8, 9» рақамлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси-

нинг ижро этувчи тузилмаси ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тариф разрядларини тасдиқлаш тўғрисида» 2004 йил 14 октябрдаги 482-сон қарорига иловада:

а) IV бўлимнинг номи қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«IV. Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти».

б) V бўлим қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«V. Мамлакат иқтисодиётининг муҳим комплекслари, тармоқлари ва соҳалари бўйича ахборот-таҳлил департаментлари

1. Департамент мудир	19
2. Мудир ўринбосари	18
3. Бош мутахассис	17
4. Етакчи мутахассис	16
5. Инспектор	10»

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти тўғрисида» 2005 йил 14 февралдаги 62-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 2-сон, 8-модда):

а) 4-банддаги «Бош вазирнинг биринчи ўринбосари (Р.С. Азимов)» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 6-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) иловада:

35-банднинг иккинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

41 ва 59-бандлардаги «Иқтисодиётдаги таркибий ислохотлар» сўзлари «Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

42-банднинг учинчи хатбошидаги ва 43-банддаги «Бош вазирнинг биринчи ўринбосари» сўзлари «Бош вазир ўринбосари — иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари комплекси раҳбари» сўзлари билан алмаштирилсин;

57-банддаги ва 67-банднинг иккинчи хатбошидаги «Иқтисодиётдаги таркибий ислохотлар» ва «Бош вазирнинг биринчи ўринбосари» сўзлари тегишли равишда «Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар» ва «Бош вазир ўринбосари — иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари комплекси раҳбари» сўзлари билан алмаштирилсин;

60-банддаги «Бош вазирнинг биринчи ўринбосари» сўзлари «Бош вазир ўринбосари — иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари комплекси раҳбари» сўзлари билан алмаштирилсин;

85-банднинг иккинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари комплекси раҳбари» сўзлари билан алмаштирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 10 августдаги 192-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти тузилмасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2005 йил 27 январдаги 39-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти тузилмасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2005 йил 27 январдаги 40-сон қарори.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2005 йил 1 апрелдаги 94-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 3-4-сон, 18-модда) илованинг I бўлими 1, 2, 5 ва 8-бандлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

249 Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида» 1998 йил 27 майдаги 232-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишларнинг амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 14 июндаги ПФ–3618-сон Фармонини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий химоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 14 июндаги ПФ–3619-сон Фармонини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисоботлар тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида» 2005 йил 15 июндаги ПҚ–100-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида» 1998 йил 27 майдаги 232-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ., 1998 й., 5-сон, 20-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари В.А. Голишев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 11 август,
193-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 11 августдаги 193-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида» 1998 йил 27 майдаги 232-сон қарорига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 1-банддан «кафолатлар ва имтиёзларнинг» сўзлари «кафолатларнинг» сўзи билан алмаштирилсин.
2. 5-банднинг биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.
3. 1-илова қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Вазирлар Маҳкамасининг
1998 йил 27 майдаги 232-сон қарорига
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида кичик тадбиркорлик субъектлари учун белгиланган кафолатлар

Т/р	Кафолатлар мазмуни	Қонун ҳужжатлари
1.	Солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларига кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун бирмунча ноқулайроқ шароитларни юзага келтирадиган ўзгартиришлар киритилган тақдирда, мазкур субъектлардан кейинги икки йил мобайнида бундай ўзгаришлар кучга киргунгача амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ ундирилади. Бунда солиқ солиш тизимининг ва солиқ солишни индексация қилиш билан боғлиқ солиқлар ставкасининг ўзгариши, шунингдек фаолиятнинг айрим турлари амалга оширилганлиги учун юридик ва жисмоний шахсларнинг даромадларига қатъий белгиланган солиқ жорий этилиши кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолияти учун бирмунча ноқулайроқ шароитлар яратадиган ўзгартиришлар ҳисобланмайди.	«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (16-модда, 2-қисм)

Т/р	Кафолатлар мазмуни	Қонун ҳужжатлари
2.	Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси аъзолари бўлган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш уларнинг вакиллари иштирокида амалга оширилиши мумкин.	«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (39-модда)
3.	3. Белгилаб қўйилсинки, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқларга мувофиқ назорат органлари томонидан мулкчилик шаклларида қатъи назар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини барча текширишлар фақат назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Текширишларни Республика кенгаши билан келишмасдан амалга оширадиган марказда ва жойлардаги назорат қилувчи органларнинг раҳбарлари белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида» 1996 йил 8 августдаги ПФ-1503-сон Фармони (3-банд)
4.	Белгилаб қўйилсинки, асосан халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари чуқур қайта ишланадиган мавжуд кичик қўшма корхоналарни янада ривожлантириш ҳамда шундай янги корхоналарни барпо этиш, шунингдек энг аввало қишлоқ жойларда инфратузилмани ривожлантириш йўли билан рақобатбардош ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатишни кўзда тутувчи инвестиция лойиҳалари жалб этилаётган хорижий кредит маблағлари ҳисобига биринчи навбатда пул билан таъминланади.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1997 йил 31 январдаги ПФ-1702-сон Фармони (2-банд)
5.	Белгилаб қўйилсинки: Ўзбекистон Республикаси ваколатли банкларининг кичик бизнес корхоналари учун, деҳқон-фермер хўжаликларини ҳам қўшган ҳолда, инвестиция лойиҳаларига ажратилган хорижий кредитларни қайта тақсимлашдан тушадиган воситачилик йиғимларининг умумий миқдори субкредит суммасидан олинадиган йиллик фойданинг 0,15 фоизидан ошмаслиги лозим; хорижий кредит йўналишлари бўйича олинган кредитларни тўлаш муддати улар субзаёмга қайта тақсимланаётганида 3 ойдан ортиқ муддатга қисқартирилиши мумкин эмас.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 9 апрелдаги ПФ-1987-сон Фармони (7-банд)
6.	2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўйидаги ҳуқуқий таъсир чораларини фақат суд орқали қўлланиш тартиби жорий этилсин: фаолиятни тугатиш; фаолиятни тўхтатиб қўйиш. Фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига бошқа ҳақиқий хавф-хатар юзага келишининг олдини олиш муносабати билан фаолиятни қўпи билан ўн иш кунигача тўхтатиб қўйиш ҳоллари бундан мустасно;	Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 14 июндаги ПФ-3619-сон Фармони (1-банд ва Фармонга илова)

Т/р	Кафолатлар мазмуни	Қонун ҳужжатлари
	<p>банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш борасида аниқланган ҳоллар бундан мустасно;</p> <p>молиявий санкцияларни қўллаш. Солиқ ва йиғимларни тўлаш муддатини ўтказиб юборганлик учун пеня қўшиш, шунингдек тадбиркорлик субъекти содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбига икром бўлиш ва молиявий санкция жарималарини ихтиёрий равишда тўлаш ҳоллари бундан мустасно;</p> <p>ҳуқуқбузарлик предметларини давлат даромадига ўтказиш;</p> <p>тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш лицензиялари (руҳсатномалари)ни ўн иш кунидан кўпроқ муддатга тўхтатиб қўйиш ёки амал қилишини тугатиш ва бекор қилиш (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг комиссиялари ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан бериладиган лицензиялар бундан мустасно).</p>	
7.	<p>Қуйидагилар белгилансин:</p> <p>тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) белгиланган тартибда фақат давлат солиқ хизмати органлари, улар томонидан текшириш давомида солиқ ва валютага оид жиноят аломатлари аниқланган тақдирда эса — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш департаменти томонидан амалга оширилади;</p> <p>назорат органларининг раҳбарлари ва мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектларини ўз ваколатлари ва нazorat соҳаси доирасидан ташқари масалалар бўйича ҳар қандай текширувлар ўтказганлиги учун шахсан жавобгар, ҳатто жиноий жавобгар ҳам бўладилар;</p> <p>фақат қўзғатилган жиноий иш юзасидан текширишни тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки текширувларни ўтказиш тўғрисида нazorat органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли органнинг қарори мавжуд бўлгандагина қонунда кўзда тутилган ҳолларда тадбиркорлик субъектининг текширилаётган хўжалик юритувчи субъект билан ўзаро муносабатларинигина муқобил тарзда текширишга йўл қўйилади.</p> <p>Муқобил текширишларни ўтказиш чоғида тадбиркорлик субъектларига бориш ва улардан текширишга тааллуқли бўлмаган молия-бухгалтерия ёки бошқа ҳужжатларни талаб қилиш ман этилсин.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 14 июндаги ПФ-3619-сон Фармони (2-банд)</p>

Т/р	Кафолатлар мазмуни	Қонун ҳужжатлари
8.	Қуйидагилар белгилансин: давлат органларининг ноқонуний қарорлари ёки шу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида тадбиркорлик субъектига етказилган зарарнинг ўрни суд қарори асосида тўла ҳажмда бевосита ана шу давлат органлари томонидан, биринчи навбатда, уларнинг бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ҳисобига қопланиши лозим.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 14 июндаги ПФ-3619-сон Фармони (3-банд)
9.	Тадбиркорлик субъектларидан: давлат солиқ хизмати органлари ва давлат статистика органлари белгиланган молиявий ва статистик ҳисоботларга қўшимча равишда ҳар қандай маълумотлар, маълумотнома ва ҳужжатларни талаб қилишга (қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текширувларни ўтказиш вақтида қилинган талаблар бундан мустасно); бошқа давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган қонунларда назарда тутилмаган ҳар қандай ахборотни, шу жумладан ҳисобот, маълумотлар, маълумотнома ва ҳужжатларни талаб қилишларига йўл қўйилмайдиган тартиб ўрнатилсин. Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахслари қарорнинг ушбу бандини бузганлик учун шахсан жавобгар бўлишлари тўғрисида қаттиқ огоҳлантирилсин.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида» 2005 йил 15 июндаги ПҚ-100-сон қарори (7-банд)

5. 2-иловада:

а) тўққизинчи позициядаги «Органнинг номи» устуни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги»;

б) ўнинчи позициядаги «Органнинг номи» устуни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси»;

в) ўн иккинчи позицияда «Кичик тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш бўйича вазифалари» устунидан «Гаров шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш» сўзлари чиқариб ташлансин.

г) қуйидаги мазмундаги позиция қўшилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси»	Хусусий, кичик тадбиркорликни ривожлантириш концепциялари ва дастурларини, шунингдек уларни амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш. Инвестиция ва бозор тузилмаларини ташкил этиш ва ривожлантириш, хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техника ресурслари олишлари, улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш бозорларига кириб боришлари учун тенг шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган чора-тадбирларни ўз ваколатлари доирасида амалга ошириш.
--	---

	Тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини монополияга қарши қонунчиликни, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, реклама фаолияти, банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузётган ноҳалол рақобатчилардан, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва уларнинг мансабдор шахслари хатти-ҳаракатларидан ўз ваколатлари доирасида ҳимоя қилади.
--	---

6. 3-иловада:

а) 5-банднинг иккинчи хатбошидаги, 7-банднинг биринчи хатбошидаги ва 8-банддаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 11-банднинг биринчи ва учинчи хатбошидаги «Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси» сўзлари «Савдо-саноат палатаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

250 Ўзбекистон Республикаси умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари тармоғининг маъмурий аҳамияти ошганлигини, йўллар тармоғини таъмирлаш, қуриш ва қайта қуриб ишга туширилишини, йўллардаги шаҳар ва жойларнинг топономик аталишидаги ўзгаришларни инobatга олиб, «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компаниясининг Ўзбекистон Республикаси умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари рўйхатига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро аҳамиятига молик автомобиль йўллари рўйхати 1-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасининг давлат аҳамиятига молик автомобиль йўллари рўйхати 2-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий (вилоят) аҳамиятига молик автомобиль йўллари рўйхати 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССР автомобиль йўллари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» 1986 йил 29 декабрдаги 613-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

* Иловалар берилмайди.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.М. Ханов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 12 август,
194-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

251 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида» 2005 йил 2 майдаги ПФ-3602-сон ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг номини ўзгартириш тўғрисида» 2005 йил 4 майдаги ПФ-3603-сон фармонларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 12 август,
196-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 12 августдаги 196-сон қарорига
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2000 йил 2 августдаги 300-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 8-сон, 46-модда).
2. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқа-

ри жамғармаларига маблағлар ажратиш ва улардан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 19 ноябрдаги 520-сон қарорига 2-илованинг 11-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 11-сон, 123-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги хузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитасининг низоми ва тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида» 2004 йил 18 февралдаги 77-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 2-сон, 12-модда).

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2004 йил 12 мартдаги 121-сон қарорига илова 8-бандининг «б» ва «в» кичик бандлари (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 3-сон, 28-модда).

Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 12 августдаги 196-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 1996 йил 30 мартдаги 126-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1996 й., 3-сон, 11-модда):

3-банднинг биринчи хатбошидан «ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш» сўзлари чиқариб ташлансин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази тўғрисидаги низом 10-бандининг биринчи хатбошидан «ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 31 мартдаги 165-сон қарори билан тасдиқланган Нархлар (тарифлар)ни шакллантириш ва уларнинг қўлланишини назорат қилиш тартибининг 10-бандидаги «Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Бозор иқтисодиёти шароитларида аҳолига коммунал хизмат кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 25 апрелдаги 211-сон қарори 5-бандининг иккинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 25 июндаги 321-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 6-сон, 23-модда) билан тасдиқланган Монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисида иш қўзғатиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби 3-бандининг биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон

Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 22 июлдаги 368-сон қарори билан тасдиқланган Нархларни бошқариш жамғармаси тўғрисидаги низом III бўлимининг иккинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизими фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 1997 йил 19 сентябрдаги 446-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 9-сон, 32-модда) 8-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш бўйича меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 1998 йил 14 январдаги 21-сон қарорида:

2-илованинг 15-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-илованинг 6-бандида:

бешинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида» 1998 йил 4 мартдаги ПФ-1938-сон Фармонининг бажарилишини таъминлаш чора-тадбирлари ҳақида» 1998 йил 24 апрелдаги 177-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 4-сон, 17-модда):

4-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

5-банддаги «Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджетдан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларда хизмат енгил автотранспортидан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида» 1999 йил 2 апрелдаги 154-сон қарорига 1-иловада (Республика вазирликлари, идоралари ва уларнинг бўлинмалари раҳбарларига биркитиладиган хизмат автомашиналари сони):

а) 32-банд чиқариб ташлансин;

б) 37-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«37. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси

Марказий аппарати	107	4	—	4	—
Навбатчи	—	—	—	2	—
Ҳудудий бошқармалари	599	56	—	42	—
Ҳаммаси:	706	60	—	48	—»

в) жадвалнинг охириги сатри қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Республика бўйича жами: 53628 1094 4542 2079 2511».

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Корхоналарнинг банкротлиги тўғрисидаги қонунчиликни амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлари ҳақида» 1999 йил 26 июлдаги 362-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 7-сон, 42-модда):

а) 4-банднинг биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-банднинг тўртинчи хатбошидаги «Корхоналарни санациялаш жамғармасининг» сўзлари «Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва корхоналарни таркибий жиҳатдан ўзгартириш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 6-банд чиқариб ташлансин;

г) 2-иловада:

10-банднинг иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва корхоналарни таркибий жиҳатдан ўзгартириш жамғармасидан маблағларни Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси ёки кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштириш кенгаши қарори асосида таркибий ўзгартириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун, тасдиқланган лимитлар ва сметалар доирасида, мақсадли ажратиш»;

11-банднинг учинчи хатбошидаги «Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси ҳузуридаги Корхоналарни санациялаш жамғармаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳузуридаги Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва корхоналарни таркибий ўзгартириш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

12-банддаги «Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

14-банднинг иккинчи хатбошидаги «Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитасининг» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

16-банднинг иккинчи хатбошидаги «Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитасининг» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1999 йил 17 ноябрдаги 504-сон қарори 4-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги хузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Пиллачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш ва ипакчилик маҳсулотлари етиштириш ҳажмларини кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 15 мартдаги 96-сон қарори 8-бандининг биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2000 йил 26 июндаги 243-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 6-сон, 32-модда):

а) 1-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-банддаги «Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 4-иловада:

1-банддаги «Аҳмедов Дилшод Саиднабиевич — Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси раиси» сўзлари «Саидова Галина Каримовна — Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

7-банддаги «Дўсматов Салимжон Мусурмонович - Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасининг бошқарма бошлиғи» сўзлари «лавозим бўйича — Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг Истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш ва реклама бозорини тартибга солиш бошқармаси бошлиғи» сўзлари билан алмаштирилсин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги 364-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 9-сон, 61-модда) билан тасдиқланган Табиий монополия субъектларининг товарлари (ишлари, хизматлари)га нархлар (тарифлар) белгилаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 11-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалигига агрокимё хизмати кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 1 февралдаги 63-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 2-сон, 8-модда) 10-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 9 мартдаги 119-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 3-сон, 17-модда) билан тасдиқланган Давлат мулки бўлган объектларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тартиби тўғрисидаги низом 15-бандининг еттинчи хатбошидаги «Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими учун дарсликлар ва ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш тўғрисида» 2001 йил 16 августдаги 341-сон қарорининг 10-бандидаги «Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

18. Вазирлар Маҳкамасининг «Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган истеъмол товарлари билан савдо қилишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2001 йил 31 октябрдаги 433-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 10-сон, 61-модда) 2-бандининг биринчи хатбошидаги «Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

19. Вазирлар Маҳкамасининг «Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб қилиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 20 августдаги 295-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 8-сон, 47-модда) 9-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

20. Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 28 ноябрдаги 414-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 73-модда):

а) 4-банднинг иккинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 6-банднинг биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 12-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси Г.К. Саидова зиммасига юклансин»;

г) 3-иловадаги «Баҳромов А.У. — Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси» сўзлари «Саидова Г.К. — Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 4-иловада:

1-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни

ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

7-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

21. Вазирлар Маҳкамасининг «Дон тайёрлаш ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш тизимида харажатларни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 4 декабрдаги 424-сон қарори 3-бандида:

биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш» сўзлари «монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш» сўзлари билан алмаштирилсин.

22. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарлари олиб келишни такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида» 2002 йил 5 декабрдаги 427-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 12-сон, 75-модда) 3-бандидаги «Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

23. Вазирлар Маҳкамасининг «Ички бозорни болалар озиқ-овқати маҳсулотлари билан тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2003 йил 9 январдаги 11-сон қарорининг 3-бандидаги «Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

24. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2003 йил 22 январдаги 37-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 1-сон, 10-модда):

а) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг бошқарув тузилмасидан (1-илова) «Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги тўғрисидаги низом 17-бандининг учинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

25. Вазирлар Маҳкамасининг «Биржа фаолиятини лицензиялаш тўғрисида» 2003 йил 4 февралдаги 66-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 2-сон, 14-модда) 1-бандидан «ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш» сўзлари чиқариб ташлансин.

26. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 2-сон, 15-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидалари 118-бандининг тўртинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

27. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 2003 йил 17 мартдаги 140-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 3-сон, 25-модда):

а) 2-иловада:

8-банддаги «Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

9-банднинг иккинчи хатбошидан «ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 3-иловада:

8-банддаги «Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

9-банднинг иккинчи хатбошидан «ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 4-иловада:

8-банддаги «Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

9-банднинг иккинчи хатбошидан «ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш» сўзлари чиқариб ташлансин;

г) 5-иловада:

8-банддаги «Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

9-банднинг иккинчи хатбошидан «ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш» сўзлари чиқариб ташлансин.

28. Вазирлар Маҳкамасининг «Амалга оширилаётган иқтисодий ночор корхоналарни таркибий ўзгартириш ва молиявий соғломлаштириш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 18 апрелдаги 188-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 4-сон, 31-модда):

а) 5-банд чиқариб ташлансин;

б) 1-иловада:

4-банднинг иккинчи хатбошидаги «Санациялаш жамғармаси» сўзлари «Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва корхоналарни таркибий жиҳатдан ўзгартириш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

14-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

29. Вазирлар Маҳкамасининг «Марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига рўёбга чиқарилаётган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда шартномавий жорий нархларга ўтиш тўғрисида» 2003 йил 11 июндаги 261-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 6-сон, 44-модда):

а) 2-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) Объектларни қуриш қийматини шартномавий жорий нархларда белгилаш

тартиби тўғрисидаги Вақтинчалик низомнинг (1-илова) 20-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) Объектлар қурилишининг иккинчи ва кейинги йилларида шартномавий жорий нархларда қурилиш шартномавий қийматини аниқлаштириш тартиби тўғрисидаги Вақтинчалик низомнинг (2-илова) 6-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

30. Вазирлар Маҳкамасининг «Нефть маҳсулотларини сотиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш тўғрисида» 2003 йил 28 июндаги 289-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 6-сон, 50-модда):

а) 2-илова 5-бандининг учинчи хатбошидаги «Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-иловадаги «Абдурашидов А.А. — Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари» сўзлари «лавозимига кўра — Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 4-илованинг 5-бандидаги «монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш» сўзлари «монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш» сўзлари билан алмаштирилсин.

31. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 июндаги 294-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 6-сон, 52-модда) билан тасдиқланган Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси тўғрисидаги низомда:

4-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

8-банднинг ўн биринчи хатбошидаги «Санациялаш жамғармаси» сўзлари «Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва корхоналарни таркибий жиҳатдан ўзгартириш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

16-банддаги «Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

32. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 1 июлдаги 296-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 54-модда) билан тасдиқланган Нефть маҳсулотлари сотувчи корхоналарнинг чекланган устамаларини шакллантириш тўғрисидаги низомнинг 20-бандидаги «Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

33. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июлдаги 302-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 57-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси

публикаси ҳудудида капитал қурилишда танлов савдолари тўғрисидаги низом 13-банднинг иккинчи хатбошидаги «Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

34. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг кадрлар потенциалини мустаҳкамлаш ва фаолиятини ташкил этишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 24 июлдаги 325-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 67-модда):

а) 3-банднинг еттинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) 1-илованинг номидан ва «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» позициясидан «ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 2-иловада:

«Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси» позицияси чиқариб ташлансин;

«127» ва «73» рақамлари тегишли равишда «122» ва «69» рақамлари билан алмаштирилсин;

г) 3-иловада:

«Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўлими» позицияси чиқариб ташлансин;

«29» рақами «23» рақами билан алмаштирилсин;

«шу жумладан бюджет маблағлари ҳисобига 18 киши» сўзлари билан тўлдирилсин;

д) 4-иловадан «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўлими» позицияси чиқариб ташлансин;

е) 4а-иловада:

«Штатдаги ходимлар сони» устунисидаги «25, 24, 21, 24, 22, 25, 26, 24, 20, 31, 31, 24, 41, 338» рақамлари тегишли равишда «20, 20, 17, 20, 18, 20, 21, 19, 16, 25, 25, 19, 35, 275» рақамлари билан алмаштирилсин;

жадвал «шу жумладан бюджет маблағлари ҳисобига 198 киши» сатри билан тўлдирилсин;

ж) 5-иловада:

илова номидан «ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш» сўзлари чиқариб ташлансин;

1-банддан «ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш» сўзлари чиқариб ташлансин;

2-банднинг биринчи хатбошидан «шунингдек республикада хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашни таъминлаш» сўзлари чиқариб ташлансин;

7-банднинг еттинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

8-банднинг иккинчи хатбошидан «тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш», шунингдек «ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш» сўзлари чиқариб ташлансин;

8-банднинг бешинчи хатбошидан «ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш» сўзлари чиқариб ташлансин;

8-банднинг йигирма биринчи ва йигирма иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

8-банднинг йигирма тўртинчи хатбошидан «ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш» сўзлари чиқариб ташлансин;

8-банднинг йигирма еттинчи хатбошидан «ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш» сўзлари чиқариб ташлансин;

15-банднинг биринчи хатбошидан «ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш» сўзлари чиқариб ташлансин.

35. Вазирлар Маҳкамасининг «Ноозиқ-овқат истеъмол товарлари билан савдо қилишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 28 июлдаги 330-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 68-модда) 5-бандидаги «Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

36. Вазирлар Маҳкамасининг «Монополияга қарши сиёсатни такомиллаштириш марказини ташкил этиш тўғрисида» 2003 йил 29 июлдаги 331-сон қарорида:

а) 6-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«6. Халқаро ва бошқа донор ташкилотларнинг грантлари маблағлари, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳузуридаги Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва корхоналарни таркибий жиҳатдан ўзгартириш жамғармаси маблағлари ва амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар Марказни молиялаштириш манбалари ҳисобланиши маълумот учун қабул қилинсин»;

б) 2-иловада:

низомнинг номидаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳузуридаги Монополияга қарши сиёсатни такомиллаштириш маркази (кейинги ўринларда матнда Марказ деб юритилади) монополияга қарши курашга оид қонун ҳужжатлари, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари соҳасидаги тадқиқотларнинг ва норматив-ҳуқуқий базанинг амалий йўналтирилганлигини кучайтириш ва ривожлантириш, мутахассисларнинг монополияга қарши тартибга солиш, корхоналарни таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва молиявий соғломлаштириш халқаро амалиёти соҳасидаги билим даражасини ошириш, монополияга қарши сиёсат ва суд бошқарувчилари соҳасида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг замонавий тизимини яратиш мақсадида ташкил этилган»;

3-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банднинг иккинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банднинг тўртинчи хатбошидаги «700078, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5» сўзлари «700011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18» сўзлари билан алмаштирилсин.

5-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«хусусий секторни ривожлантириш ва республика иқтисодиёти тармоқларини

монополиядан чиқариш жараёнларини, шунингдек хорижий мамлакатлардаги рақобат сиёсати соҳасидаги амалиётни таҳлил қилиш»;

учинчи хатбошидаги «монополияга қарши тартибга солиш» сўзларидан кейин «банкротлик, тадбиркорлик» сўзлари билан тўлдирилсин;

еттинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«монополиядан чиқариш, хусусий секторни, рақобатни ривожлантириш тармок ва ҳудудий дастурлари лойиҳалари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш»;

саккизинчи хатбошидаги «монополиядан чиқариш» сўзларидан кейин «ва хусусий секторни ривожлантириш» сўзлари билан тўлдирилсин;

тўққизинчи хатбошидаги «монополияга қарши органлари» сўзларидан кейин «ва суд бошқарувчилари» сўзлари билан тўлдирилсин;

6-банднинг иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«монополияга қарши сиёсатни, банкротлик, хусусий сектор, истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ўрганиш ва такомиллаштириш соҳасида илмий-тадқиқот ишларини бажаради»;

9-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Марказ директори мақомига кўра Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси бош бошқармаси бошлиғига тенглаштирилади»;

10-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«10. Марказ фаолиятини молиялаштириш халқаро грантлар ва бошқа донор ташкилотлар маблағлари, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳузуридаги Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва корхоналарни таркибий жиҳатдан ўзгартириш жамғармаси маблағлари ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар маблағлари ҳисобига амалга оширилади».

37. Вазирлар Маҳкамасининг «Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини ва объектларни хусусийлаштиришни жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2003 йил 26 августдаги 368-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 8-сон, 78-модда) 1-иловада:

а) 4-банддаги «Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин, «Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси» сўзлари эса чиқариб ташлансин;

б) 5-банддаги «Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 27-банддаги «Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини, паст ликвидли объектларни инвестор томонидан инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шarti билан инвесторларга танлов асосида бепул бериш тўғрисидаги низомга 1-иловадаги «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси раиси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

38. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 сентябрдаги 416-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 9-сон, 92-модда) билан тасдиқланган Импорт контрактларини ҳисобга қўйиш ва ташқи савдо операцияларининг боғхона мониторингини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом 20-бандининг иккинчи хатбошидаги «Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

39. Вазирлар Маҳкамасининг «Иқтисодий ночор корхоналарнинг суд бошқарувчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 23 мартдаги 138-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 3-сон, 33-модда):

а) 2-банднинг биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-илова 3-бандининг иккинчи хатбошидаги «Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-илова 2-бандининг биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) Суд бошқарувчиларини аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги низомга 2-иловадаги «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан, «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитасининг» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

40. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулки айрим объектларини инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул беришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 5 майдаги 209-сон қарори 2-бандининг биринчи хатбошидаги (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 5-сон, 45-модда) «Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси» сўзлари «Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

41. Вазирлар Маҳкамасининг «Товар-хом ашё биржалари фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2004 йил 31 майдаги 251-сон қарори 8-бандининг тўртинчи хатбошидаги (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 5-сон, 50-модда) «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

42. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 8 июндаги 264-сон қарори билан тасдиқланган Республика ихтисослаштирилган марказлари даромадларини шакллантиришнинг асосий манбалари ва улар фаолиятини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомда (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 6-сон, 53-модда):

3-банднинг учинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан

чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

5-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари «Давлат мулкни бошқариш қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

13-банднинг учинчи хатбошидаги «Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

17-банднинг учинчи хатбошидаги «Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

23-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

43. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 7-сон, 63-модда) билан тасдиқланган Маҳсулотларни сертификатлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 34-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

44. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 19 октябрдаги 483-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 10-сон, 97-модда) 6-илованинг тўртинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

45. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига ажратмаларни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 25 октябрдаги 499-сон қарорига 2-илованинг 19-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 10-сон, 100-модда).

46. Вазирлар Маҳкамасининг «2005—2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар нашр этиш дастури тўғрисида» 2004 йил 22 ноябрдаги 548-сон қарорининг 6-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 11-сон, 107-модда).

47. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Инвестиция дастури тўғрисида» 2004 йил 30 ноябрдаги 560-сон қарорида:

10-банднинг иккинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

11-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

48. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 декабрдаги 615-сон қарори билан тасдиқланган Давлат статистика ишлари дастурининг II бўлимидаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

252 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида» 2005 йил 15 июндаги ПҚ–100-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида» 2005 йил 15 июндаги ПҚ–100-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 15 август,
197-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 15 августдаги 197-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 29 июндаги

245-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 6-сон, 33-модда) 1-илова-нинг 15-бандида:

«Корхоналар» сўзидан олдин «Ушбу банднинг иккинчи хатбошида кўзда тутилган тадбиркорлик субъектларидан ташқари» сўзлари билан тўлдирилсин;
қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотишдан озод қилинган тадбиркорлик субъектлари давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга олиш мақсадида ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-қунидан кечикмасдан мажбурий сотилиши керак бўлган валюта тушумлари суммасининг ҳисоб-китобини белгиланган шакл бўйича тақдим этадилар».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2003 йил 8 январдаги 8-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 1-сон, 3-модда) 4-илованинг 13-бандида:

тўртинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги тўртинчи ва бешинчи хатбоши билан алмаштирилсин:

«молия, божхона, солиқ органларидан, банклардан, бошқа идоралар ва хизматлардан, юридик шахслардан ва уларнинг ваколатхоналари ва филиалларидан, яқка тартибдаги тадбиркорлардан идоравий ҳисобга олиш маълумотларини олиш ҳамда улардан давлат статистика ҳисоботларида статистика мақсадларида фойдаланиш;

молия, божхона, солиқ органларидан ва давлат бошқа ташкилотларидан давлат статистика ишларини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа маълумотларни (уларни ишлаб чиқишнинг ҳар қандай босқичида), шунингдек уларга илова қилинадиган тушунтиришларни талаб қилиш ва олиш»;

бешинчи — ўн тўққизинчи хатбоши тегишли равишда олтинчи—йигирманчи хатбоши деб ҳисоблансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 2003 йил 21 августдаги 361-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 8-сон, 74-модда) 6-илованинг 26-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«26. Микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари, тўловчилар ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-қунидан кечикмай рўйхатдан ўтказиш жойи бўйича солиқ органларига Жамғармага маблағ ажратилиши бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этадилар ва худди шу ойнинг 20-қунигача тўланиши керак бўлган тўловларни Жамғармага ўтказадилар. Микрофирмалар ва кичик корхоналар ҳар чорақда, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-қунидан кечикмай, рўйхатдан ўтказиш жойи бўйича солиқ органларига Жамғармага маблағ ажратилиши юзасидан ҳисоб-китобларни тақдим этадилар. Жамғармага тўланиши керак бўлган тўловлар микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ҳар ойнинг 20-қунигача ўтказилади. Мажбурий ажратмаларнинг ортиқча тўланган суммаси солиқ органларининг ортиқча тўлаганлик тўғрисидаги хулосаси бўйича, тўловчининг ёзма аризаси олинган кундан бошлаб ўттиз кун муддатда бўлажак тўловлар ҳисобига ўтказилади ёки Республика йўл жамғармаси томонидан тўловчига қайтарилади».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

253 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 20 июндаги ПФ–3620-сон Фармони)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 20 июндаги ПФ–3620-сон Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 15 август,
198-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 15 августдаги 198-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 апрелдаги 159-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 4-сон, 15-модда) билан тасдиқланган Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун солиқ солишининг соддалаштирилган тизимини қўллаш тартибининг 1-бандида:

биринчи хатбошига «ягона солиқ тўлови тўлайдиган микрофирмалар ва кичик корхоналар бундан мустасно» сўзлари қўшилсин;

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Мазкур Тартибнинг амал қилиши шунингдек дастурий воситаларни ишлаб чиқаришга, компьютер техникаси ва дастурий воситаларга сервис хизмати кўрсатишга, компьютер техникаси ва ахборот технологиялари билан ишлашга ўқитиш бўйича аҳолига хизматлар кўрсатишга ихтисослашаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар тоифасига тегишли бўлмаган ташкилотларга ҳам татбиқ этилади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2000 йил 5 августдаги 305-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 8-сон, 48-модда) 7-бан-

дидаги «ягона солиқни» сўзлари «ягона солиқ тўловини» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати фаолиятини ташкил этишга кўмаклашиш тўғрисида» 2001 йил 30 майдаги 240-сон қарорида:

а) 2-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошидаги ва 3-банднинг учинчи хатбошидаги «ягона солиқ ҳисобланган миқдорининг 10 фоизи» сўзларидан кейин «ёки ҳисобланган ягона солиқ тўлови суммасининг 5 фоизи» сўзлари қўшилсин;

б) иловада:

илованинг номидаги ва 1-бандидаги «ягона солиқ ҳисобланган миқдорининг 10 фоизини» сўзларидан кейин «ёки ҳисобланган ягона солиқ тўлови суммасининг 5 фоизини» сўзлари қўшилсин;

2—4-бандлар қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«2. Ягона солиқ ёки ягона солиқ тўлови тўловчи ҳисобланадиган ва Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракатини ривожлантириш жамғармаси маҳаллий бўлимлари билан ўзаро қўллаб-қувватлаш тўғрисида шартномалар тузган кичик бизнес корхоналари ягона солиқ ҳисобланган миқдорининг 7 фоизини ёки ягона солиқ тўлови ҳисобланган миқдорининг 5 фоизини Жамғармага ўтказадилар.

Кичик бизнес корхоналари (савдо корхоналаридан ташқари) томонидан ягона солиқ ҳисобланган миқдорининг 7 фоизини ёки ягона солиқ тўлови ҳисобланган миқдорининг 5 фоизини ўзаро қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги шартномалар асосида Жамғармага ўтказиш давлат бюджетига мажбурий тўловларга тенглаштирилади.

3. Кичик бизнес корхоналари Жамғармага маблағларни ягона солиқни ва ягона солиқ тўловини тўлаш учун белгиланган тартибда ва муддатларда ўтказадилар. Жамғармага ўтказилиши керак бўлган маблағлар солиқ органларига тақдим этиладиган ягона солиқ ёки ягона солиқ тўлови бўйича ҳисоб-китобларда алоҳида сатрда акс эттирилади.

4. Ўзаро қўллаб-қувватлаш тўғрисида шартномалар тузган кичик бизнес корхоналари иккита тўлов топшириқномасини расмийлаштирадилар:

а) ягона солиқ тўловчилар белгиланган тартибда:

Жамғармага — ягона солиқ ҳисобланган миқдорининг 7 фоизи миқдорида;

бюджетга — ягона солиқ ҳисобланган суммасининг 93 фоизи миқдорида ўтказадилар;

б) ягона солиқ тўлови тўловчилар белгиланган тартибда:

Жамғармага — ягона солиқ тўлови ҳисобланган миқдорининг 5 фоизи миқдорида;

бюджетга ва Давлат мақсадли жамғармаларига — ягона солиқ тўлови ҳисобланган миқдорининг 95 фоизи миқдорида ўтказадилар»;

в) 6 ва 7-бандлар қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«6. Мазкур Низом билан белгиланган ягона солиқ ёки ягона солиқ тўловидан Жамғармага ажратмалар бухгалтерия ҳисобида қуйидаги қайднома билан акс эттирилади:

«Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик (турлар бўйича)» 6410-ҳисоб рақами дебети»

«Суғурта ва Давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарздорликни ҳисобга олиш ҳисоб рақами кредити (6500) «Камолот» ёшлар ҳаракати жамғармасига тўловлар» ҳисоб рақами ажратиб кўрсатилган ҳолда.

7. Маблағларни Жамғармага ўтказишда қуйидаги бухгалтерия қайдномаси тузилади:

«Суғурта ва Давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарздорликни ҳисобга олиш ҳисоб рақами дебети (6500) «Камолот» ёшлар ҳаракати жамғармасига тўловлар» ҳисоб рақами ажратиб кўрсатилган ҳолда.

«Пул маблағларини ҳисобга олиш» ҳисоб рақами кредити».

г) 8-банднинг биринчи ва учинчи хатбошидаги ва 10-банддаги «ягона солиқ», «ягона солиқнинг» сўзларидан кейин тегишли равишда «ёки ягона солиқ тўлови», «ёки ягона солиқ тўловининг» сўзлари қўшилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 13 ноябрдаги 390-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 67-модда) 1-банди тўртинчи ва бешинчи хатбошидаги «ягона солиқни», «ягона солиқ» сўзлари тегишли равишда «ягона солиқ тўловини», «ягона солиқ тўлови» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2005 йиллар даврида маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2004 йил 14 январдаги 18-сон қарорининг 5-банди учинчи хатбошидаги «ягона солиқ» сўзлари «ягона солиқ тўлови» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилга Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2004 йил 28 декабрдаги 610-сон қарориди:

а) 3-бандга қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши қўшилсин:

«микрофирмалар, кичик корхоналар ва алоҳида ташкилотлар учун ягона солиқ тўлови 7-1-иловага мувофиқ»;

бешинчи—ўн еттинчи хатбоши тегишли равишда олтинчи—ўн саккизинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 7-илова қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 28 декабрдаги 610-сон қарорига
7-ИЛОВА

Микрофирмалар, кичик корхоналар ва алоҳида ташкилотлар учун ягона солиқ ставкалари

Солиқ тўловчилар	Товарлар сотиш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) ҳажмидан фоизларда
1. Воситачилик шартномаси бўйича хизматлар кўрсатувчи харид, таъминот-сотиш корхоналари, брокерлик фирмалари, корхоналар ва ташкилотлар	30*
2. Дастурий воситаларни ишлаб чиқаришга, компьютер техникаси ва дастурий воситаларга сервис хизмати кўрсатишга, компьютер техникаси ва ахборот технологиялари билан ишлашга ўқитиш бўйича аҳолига хизматлар кўрсатишга ихтисослашган микрофирмалар ва кичик корхоналар тоифасига тегишли бўлмаган ташкилотлар	12

* Ялпи даромадга нисбатан фоизларда»

Солиқ тўловчилар	Товарлар сотиш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) ҳажмидан фоизларда
3. Ўзи ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти улуши эркин алмаштириладиган валютада қуйидагиларни ташкил этадиган экспорт қилувчи корхоналар учун:	
сотишнинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгачани	белгиланган ставка 30 фоизга пасайтирилади
сотишнинг умумий ҳажмида 30 фоиздан ва ундан ортиқ фоизни	белгиланган ставка 2 баравар пасайтирилади

в) қуйидаги мазмундаги 7-1-илова қўшилсин:

«Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 28 декабрдаги 610-сон қарорига
7-1-ИЛОВА

Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкалари

Солиқ тўловчилар	Товарлар сотиш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) ҳажмидан фоизларда
1. Иқтисодиётнинг барча тармоқлари корхоналари, 2—4-бандларда кўрсатиб ўтилган корхоналар бундан мустасно	13*
2. Қишлоқ хўжалиги корхоналари, ягона ер солиғи тўловчилар ҳисобланадиган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари бундан мустасно	6
3. Юридик ва жисмоний шахсларни (шу жумладан норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирлари ташкил этишдан даромад оладиган, гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган корхоналар	30
4. Хусусий амалиёт билан шуғулланадиган нотариуслар	50
5. Ўзи ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар) улуши эркин алмаштириладиган валютада қуйидагиларни ташкил этадиган экспорт қилувчи корхоналар учун:	
сотишнинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгачани	белгиланган ставка 30 фоизга пасайтирилади
сотишнинг умумий ҳажмида 30 фоиздан ва ундан ортиқ фоизни	белгиланган ставка 50 фоизга пасайтирилади

*Лизинг компаниялари учун лизинг берувчининг даромадига нисбатан фоизларда (маржа).

Изоҳ.

Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни

раббатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 13 ноябрдаги 390-сон қарорига мувофиқ микрофирмалар ва кичик корхоналар тасдиқланган рўйхатга биноан истеъмол товарлари ишлаб чиқаришдан олинган тушумдан белги-ланганга қараганда 25 фоизга пасайтирилган ставка бўйича ягона солиқ тўлови тўлайдилар».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

254 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 августдаги ПҚ–154-сон қарорининг бажарилишини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 августдаги ПҚ–154-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ғўза дефолиациясини ўтказишни ташкил қилиш бўйича Республика эксперт комиссияси таркиби 1-иловага* мувофиқ;

Ғўза дефолиацияси ўтказилишини назорат қилиш ва сифатини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика эксперт комиссияси (Исмоилов):

уч кун муддатда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманларда ана шундай эксперт комиссиялари тузилишини таъминласин;

жойларда ғўзани дефолиация қилиш тадбирларининг бутун комплекси ўтказилишини ташкил этсин;

ғўзани дефолиация қилишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг бориши, дефолиацияни ўтказиш учун жалб этилган техникадан самарали фойдаланилиши юзасидан кундалик мониторинг ўрнатсин.

Ғўза дефолиациясининг бориши тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига мунтазам равишда ахборот бериб борилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири С.У. Исмоилов зиммасига ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 15 август,
199-сон

* 1-илова берилмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 15 августдаги 199-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ғўза дефолиацияси ўтказилишини назорат қилиш ва
сифатини аниқлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 августдаги ПҚ–154-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ва 2005 йилда ғўза дефолиацияси ўтказилишини тизимли назорат қилишни ташкил этиш ва унинг сифатини аниқлаш тартибини белгилайди.

2. Ғўза дефолиацияси ўтказилишини назорат қилиш, ишлатиладиган эритма тайёрлаш ва дефолиантларни қўллашнинг белгиланган нормаларига риоя қилиш учун ҳар бир вилоят ва туманда ҳоким бошчилигида, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Республика ўсимликларни химоя қилиш ва агрокимё маркази, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси, Ўзбекистон «Сифат» маркази ҳамда «Қишлоқхўжалиқкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятларининг мутахассислари иштирокида эксперт комиссиялари ташкил этилади.

3. 2005 йил 20 августгача туман ҳокими томонидан эксперт комиссияси билан келишган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 августдаги ПҚ–154-сон қарори билан тасдиқланган муддатлардан келиб чиқиб жойлардаги ҳарорат шароитларини, ғўзанинг етилиш даври, нави ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир қишлоқ хўжалиги корхонаси бўйича ғўза дефолиациясини ўтказиш муддатлари тасдиқланади.

4. Туман эксперт комиссияси томонидан 2005 йил 22 августгача ғўза дефолиациясини ўтказишда қатнашувчи мутахассисларга техникани тайёрлаш, далаларни танлаш, ишлатиладиган эритмалар тайёрлашга, дефолиантларни солиш нормаларига қўйиладиган талаблар, улардан фойдаланиш, хавфсизлик қоидалари, сигнал берувчилар ишини ташкил этиш ва бошқа чора-тадбирлар бўйича йўл-йўриқлар берилади ва улар ушбу ишларга ўқитилади.

5. Ҳар куни дефолиация ўтказилишидан олдин қишлоқ хўжалиги ҳудудий органлари ҳамда «Қишлоқхўжалиқкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятлари мутахассислари томонидан механизаторлар, самолёт экипажи ва сигнал берувчиларга далаларнинг рельефи, контури ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда агротехника тадбирларини сифатли ўтказиш бўйича йўл-йўриқлар берилади.

6. Тайёрланган дефолиантнинг ишлатиладиган эритмасидан фойдаланишдан олдин ўсимликларни химоя қилиш ва агрокимё маркази, шунингдек «Ўзстандарт» агентлиги органлари мутахассислари томонидан мажбурий тартибда ишлатиладиган эритманинг сифати ва унинг қўйиладиган талабларга мувофиқлиги тезкор таҳлил қилинади. Эритманинг жиҳозланмаган жойларда ва мутахассислар иштирокисиз тайёрланишига йўл қўйилмайди.

7. Туман эксперт комиссияси томонидан кун мобайнида дефолиацияни ўтказиш танлаб текширилади, амалга оширилган ишлар сифатига, ишлатиладиган эритма тайёрлашнинг тўғрилигига ва уни қўллаш нормаларига баҳо берилади. Ғўза дефолиациясини ўтказишда қўпол камчиликлар аниқланган тақдирда эксперт комиссияси томонидан агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказиш учун, камчиликларни бартараф этиш бўйича мутахассислар жалб этилган ҳолда, шошилиш чора-тадбирлар кўрилади.

8. Туман эксперт комиссияси томонидан дефолиация белгиланган муддатларда

ва ҳажмда ўтказилишининг кундалик мониторинги белгиланади, бунда жалб этилган техника (пуркагичлар ва самолётлар)дан самарали фойдаланилиши қатъий назорат қилинади.

9. Назарда тутилган жадвалдан орқада қолиш ҳолатлари аниқланган тақдирда мавжуд ресурслар сафарбар қилинган, техника ва бошқалардан янада самарали фойдаланилган ҳолда қолоқликни тугатиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўрилади.

10. Дефолиация ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда туман эксперт комиссияси томонидан ҳар бир контурда амалга оширилган агротехника тадбирининг сифати аниқланади. Бунда қуйидагилар ҳисобга олинади:

дефолиацияни ўтказиш муддатларига ва далалар контури тўлиқ қамраб олиншига риоя қилиш;

дефолиант сарфлаш нормаси ва унинг фойдаланиладиган тури;

ғўза баргларининг бир текис тўкилиши фоизи (камида 75%).

11. Дефолиацияни ўтказиш шартлари ва амалга оширилган ишлар сифатини баҳолаш қишлоқ хўжалиги корхоналари билан тегишли шартномалар тузишда қатъий белгилаб қўйилади.

12. Вилоят эксперт комиссияси ғўза дефолиациясини ўтказиш ва унинг сифати устидан умумий назоратни амалга оширади, тасдиқланган муддатлардан орқада қолишни бартараф этишга доир зарур ташкилий чора-тадбирлар кўради, жойларда техникадан самарали фойдаланилиши назорат қилинишини таъминлайди, дефолиацияни ўтказиш жараёнида пайдо бўладиган комплекс масалаларни, шу жумладан моддий-техник ва молиявий таъминлаш масалаларини тезкор ҳал этади ҳамда амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳар куни Республика эксперт комиссиясига ахборот беради.

13. Ғўзани дефолиация қилишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг бориши тўғрисидаги ҳисобот тизими қуйидаги тартиб бўйича амалга оширилади: туман эксперт комиссияси — вилоят эксперт комиссияси — Республика эксперт комиссияси — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

14. Мазкур Низомнинг амалга оширилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири зиммасига юкланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

255 Матбуот, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар соҳасида бошқарув тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Оммавий коммуникациялар соҳасида бошқарув тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 24 ноябрдаги 555-сон ҳамда «Телерадиоэшиттириш соҳасида радиочастота спектридан самарали фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 20 декабрдаги 592-сон қарорларига мувофиқ, шунингдек ахборот инфра-

тузилмасини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида бошқарувнинг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги марказий аппаратининг ходимларнинг чекланган умумий сони 46 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 33 нафар бўлган тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлигининг ходимларнинг чекланган умумий сони 10 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 7 нафар бўлган тузилмаси 3-иловага мувофиқ;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармаларининг намунавий тузилмаси ва ходимларининг чекланган сони 4 ва 5-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 6-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 16 август,
200-сон

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида бошқарувнинг ташкилий тузилмаси



Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги марказий аппаратининг тузилмаси



Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 16 августдаги 200-сон қарорига
3-ИЛОВА

Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлигининг тузилмаси



Ходимларнинг чекланган умумий сони — 10 киши, шу
жумладан бошқарув ходимлари — 7 киши.

Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 16 августдаги 200-сон қарорига
4-ИЛОВА

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармаларининг намунавий тузилмаси



Ходимларнинг чекланган умумий сони — 8 киши, шу
жумладан бошқарув ходимлари — 6 киши.

Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 16 августдаги 200-сон қарорига
5-ИЛОВА

**Вилоятлар ва Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот
бошқармалари ходимларининг чекланган сони**

Т/р	Минтақалар	Ходимларнинг чекланган умумий сони	Бошқарув ходимлари сон	Хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлар
1.	Андижон вилояти	8	6	2
2.	Бухоро вилояти	8	6	2
3.	Жиззах вилояти	8	6	2
4.	Қашқадарё вилояти	8	6	2
5.	Навоий вилояти	8	6	2
6.	Наманган вилояти	8	6	2
7.	Самарқанд вилояти	8	6	2
8.	Сирдарё вилояти	8	6	2
9.	Сурхондарё вилояти	8	6	2
10.	Тошкент вилояти	8	6	2
11.	Фарғона вилояти	8	6	2
12.	Хоразм вилояти	8	6	2
13.	Тошкент шаҳри	8	6	2
	Жами:	104	78	26

Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 16 августдаги 200-сон қарорига
6-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Частота спектридан фойдаланиш, телерадиодас-турларни шакллантириш ва тарқатиш ҳамда маълумотлар узатиш самарадорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1998 йил 10 июлдаги 293-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 7-сон, 26-модда):

а) 2-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«радиочастоталарни тақсимлаш ва телерадиоэшиттиришлар соҳасида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига яқка тартибдаги лицензиялар беришни ташкил этиш ҳамда танловлар ўтказиш»;

б) 3-банднинг иккинчи хатбошидаги «бериш ва уларни қайтариб олиш тўғрисида» сўзлари «бериш ва уларнинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисида» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 5-банднинг биринчи хатбошидаги «Давлат матбуот қўмитаси, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги» сўзлари «Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 6-банднинг иккинчи хатбошидаги «беради ва уларни қайтариб олади» сўзлари «беради ва уларнинг амал қилишини тўхтатади» сўзлари билан алмаштирилсин;

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й.

д) 2-иловада:

6-илова қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«радиочастоталарни тақсимлаш ва телерадиоэшиттириш соҳасида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига якка тартибдаги лицензиялар беришни ташкил этиш ҳамда танловлар ўтказиш»;

7-бандда:

тўртинчи хатбошидаги «тўхтатиб қўйиш ёки қайтариб олиш» сўзлари «ва уларнинг амал қилишини тўхтатиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўнинчи хатбошидаги «Почта ва телекоммуникацияларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси» сўзлари «Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн учинчи хатбошидаги «почта ва телекоммуникациялар» сўзлари «алоқа ва ахборотлаштириш» сўзлари билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«радиочастоталарни тақсимлаш ва телерадиоэшиттириш соҳасида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига якка тартибдаги лицензиялар беришни ташкил этади ҳамда танловлар ўтказиш»;

8-банднинг иккинчи хатбошидаги «бериш ва уларни қайтариб олиш тўғрисида» сўзлари «бериш ва уларнинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисида» сўзлари билан алмаштирилсин;

10-бандда:

олтинчи хатбошидаги «Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги, «Ўзбеккино» давлат-акциядорлик компанияси» сўзлари «Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқи республика агентлиги, «Ўзбеккино» миллий агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 4-иловада:

1-банддаги «тайёрлаш», «тўхтатиб туриш ёки қайтариб олиш» сўзлари тегишли равишда «шакллантириш», «ва амал қилишини тўхтатиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-банддаги «тайёрлаш», «тўхтатиб туриш ёки қайтариб олиш» сўзлари тегишли равишда «шакллантириш», «ва амал қилишини тўхтатиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4. Хўжалик юритувчи субъект давлат рўйхатидан ўтказиш ва фаолият турига лицензия олиш учун Ахборот фаолияти ҳамда маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича Идоралараро мувофиқлаштирувчи комиссия ҳузуридаги ишчи гуруҳга давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензия олиш учун тегишли қонун ҳужжатларида белгиланган рўйхат бўйича ҳужжатларни беради»;

9-банддаги «тўхтатиб қўйиш ва қайтариб олиш» сўзлари «амал қилишини тўхтатиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

10-банддаги «тўхтатиб қўйиш ва қайтариб олиш» сўзлари «амал қилишини тўхтатиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) 5-илова 9-банднинг ўн биринчи хатбошидаги «қайтариб олиш тўғрисида» сўзлари «амал қилишини тўхтатиш тўғрисида» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил

22 ноябрдаги 458-сон қарорига 2-иловада (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 11-сон, 73-модда):

а) 20-бандда:

иккинчи хатбошидаги «телекоммуникациялар соҳасида» сўзларидан кейин «Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг маркази» сўзлари қўшилсин;

учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Эксперт комиссияси лицензия талабгорининг барча зарур ҳужжатлар билан биргаликдаги аризаси олинган кундан бошлаб 20 кундан ошмайдиган муддатда тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва Телекоммуникациялар соҳасида тегишли фаолият турлари бўйича оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг маркази хулосасини ҳисобга олган ҳолда улар бўйича лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги эксперт хулосасини тайёрлайди»;

б) 44-бандда:

бешинчи хатбошидаги «текширувлар натижалари» сўзларидан кейин «Телекоммуникациялар соҳасида тегишли фаолият турлари бўйича оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг маркази хулосалари» сўзлари қўшилсин;

олтинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«лицензиат зиммасига аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, шу жумладан Телекоммуникациялар соҳасида тегишли фаолият турлари бўйича оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг маркази хулосаси асосида бундай қоидабузарликларни бартараф этиш муддатларини белгилаш».

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида бошқарувни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2002 йил 23 сентябрдаги 328-сон қарорига 4-илованинг 9-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 9-сон, 53-модда) қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«9. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ҳукумат алоқа хизмати, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази, Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси вакиллари Комиссия таркибига киритилади.

Комиссия аъзолари алмашиш ҳуқуқисиз Комиссия мажлисларида қатнашадилар.

Вазирликлар ва идоралар вакиллари Комиссия таркибига тегишли вазирликлар ва идоралар раҳбарлари таклифлари бўйича киритиладилар.

Комиссиянинг шахсий таркиби белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши билан тасдиқланади».

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 7 майдаги 215-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 5-сон, 47-модда):

а) 2-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«қонунчилик ва норматив ҳужжатлар, давлат ва тармоқ стандартлари талабларига, оммавий коммуникациялар соҳасида, жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, сунъий йўлдош тизими, Интернетнинг глобал тармоқла-

ри, ахборотларни, шунингдек матбаа маҳсулотларини етказиб бериш ва тарқатишнинг бошқа электрон воситалари соҳасида фаолиятни амалга оширадиган юридик ва жисмоний шахслар лицензиялари шартларига риоя этилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш»;

б) 1-илованинг II бўлимидаги 14-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«14. Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг маркази»;

в) 1а ва 3-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

г) 4-иловада:

2-бандда:

ўн биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«радиочастота органи функцияларини бажариш, шу жумладан радиочастоталардан фойдаланишга рухсатномалар бериш, электромагнит мослашувни ва радиочастота спектри мониторингини таъминлаш бўйича — Электромагнит мослашув маркази»;

ўн тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«қонунчилик ва норматив ҳужжатлар, давлат ва тармоқ стандартлари талабларига, оммавий коммуникациялар соҳасида, жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, сунъий йўлдош тизими, Интернетнинг глобал тармоқлари, ахборотларни, шунингдек матбаа маҳсулотларини етказиб бериш ва тарқатиш бошқа электрон воситалари соҳасида фаолиятни амалга оширадиган юридик ва жисмоний шахслар лицензиялари шартларига риоя этилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш бўйича — Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг маркази»;

8-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«қонунчилик ва норматив ҳужжатлар, давлат ва тармоқ стандартлари талабларига, оммавий коммуникациялар соҳасида, жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, сунъий йўлдош тизими, Интернетнинг глобал тармоқлари, ахборотларни, шунингдек матбаа маҳсулотларини етказиб бериш ва тарқатиш бошқа электрон воситалари соҳасида фаолиятни амалга оширадиган юридик ва жисмоний шахслар лицензиялари шартларига риоя этилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш»;

9-бандда:

учинчи хатбоши «радиочастота спектридан фойдаланиш» сўзларидан кейин «миллий ахборот макони мониторинги» сўзлари билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«қонунчилик ва норматив ҳужжатлар, давлат ва тармоқ стандартлари талабларига, оммавий коммуникациялар соҳасида, жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, сунъий йўлдош тизими, Интернетнинг глобал тармоқлари, ахборотларни, шунингдек матбаа маҳсулотларини етказиб бериш ва тарқатиш бошқа электрон воситалари соҳасида фаолиятни амалга оширадиган юридик ва жисмоний шахслар лицензиялари шартларига риоя этилиши юзасидан мониторинг амалга оширилишини ташкил қилади».

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 11 июндаги 274-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 6-сон, 56-модда):

а) 1-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Агентлик марказий аппаратининг ходимларининг чекланган умумий сони 64 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 51 нафардан иборат бўлган тузилмаси 1 ва 2-иловаларга мувофиқ» сўзлари «1-иловага мувофиқ» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) қарорнинг 4 ва 5-бандлари, шунингдек қарорга 2, 4, 5, 6 ва 6а-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) 3-иловада:

5-банднинг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

8-банднинг учинчи хатбоши кўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Вазирлар Маҳкамасининг Ноширлик фаолиятини лицензиялаш комиссиясининг ишчи органи функциясини бажаради»;

13-бандда:

иккинчи хатбошидаги «уч» сўзи «икки» сўзи билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «Бош директор ўринбосарлари — вазир ўринбосарларига» сўзлари «Бош директор ўринбосари — вазир ўринбосарига» сўзлари билан алмаштирилсин;

14-банднинг олтинчи хатбошидаги «маблағ ажратишнинг тегишли даври учун давлат бюджетида тасдиқланган доирада» сўзлари чиқариб ташлансин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 11 июндаги 275-сон қарори билан тасдиқланган Ноширлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 6-сон, 57-модда):

а) 14-банднинг иккинчи хатбоши «қарор» сўзидан кейин «тегишли фаолият турлари бўйича Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг маркази хулосасини ҳисобга олган ҳолда» сўзлари билан тўлдирилсин;

б) 30-банднинг биринчи хатбоши «тартибда» сўзидан кейин «шунингдек тегишли фаолият турлари бўйича Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг маркази хулосаси асосида» сўзлари қўшилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Телерадиоэшиттириш соҳасида радиочастота спектридан самарали фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 20 декабрдаги 592-сон қарорига илованинг 3-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 12-сон, 109-модда) кўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Асосий фаолияти давлат телевидение ва радиодастурларини шакллантириш ва тарқатиш (трансляция қилиш) ҳисобланган ёки устав фондида мулкнинг давлат улуши камида 50 фоизни ташкил этадиган корхоналарга радиочастоталар бериш ва телерадиоэшиттириш соҳасида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига яқка тартибдаги лицензиялар бериш танлов ўтказилмасдан амалга оширилади».

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

256 Корхоналарни модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш бўйича салмоқли сармоя киритиш шарти билан назорат пакетини ташкил қилмаган акция пакет (улуш)ларини сотиб олган инвесторларга давлат улушини бошқариш ҳуқуқини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
5 августда 1504-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 15 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 мартдаги ПҚ-29-сонли «2005-2006 йилларда корхоналарни давлат тассурифидан чи қариш ва хусусийлаштириш Дастури тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 24 июлдаги 325-сонли «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг кадрлар потенциалини мустаҳкамлаш ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Корхоналарни модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш бўйича салмоқли сармоя киритиш шарти билан назорат пакетини ташкил қилмаган акция пакет (улуш)ларини сотиб олган инвесторларга давлат улушини бошқариш ҳуқуқини бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур Қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатдан ўтказилгандан бошлаб 10 кундан кейин кучга киради.

Давлат мулки қўмитаси раиси М. АСҚАРОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 8 июль,
01/06-18/03

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**257** Ўзбекистон Республикаси орден ва медаллари билан мукофотланган шахсларга бир йўла тўланадиган пул мукофотларини тўлашга маблағларни ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 5 августда 1505-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2005 йил 15 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 августдаги 535–II-сонли «Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлар тўплами» 2003 йил, 20-сон) ижросини таъминлаш мақсадида **бююраман:**

1. Илова* қилинган «Ўзбекистон Республикаси орден ва медаллари билан мукофотланган шахсларга бир йўла тўланадиган пул мукофотларини ажратиш тартиби тўғрисида»ги Низом (янги таҳрирда) тасдиқлансин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради.

3. Мазкур буйруқ кучга кирган кундан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1997 йил 24 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси орден ва медаллари билан мукофотланган шахсларга бир йўла тўланадиган пул мукофотларини тўлашга маблағларни ажратиш тўғрисида»ги тартиби (1997 йил, 30 декабр, рўйхат рақами 386) ўз қучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Молия вазири С РАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 23 июль,
67-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИИ

258 Кадрларни давлат грантлари асосида мақсадли тайёрлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
6 августда 1506-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 16 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 июндаги «2005/2006 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги ПҚ-92-сон қарорининг 6-бандини бажариш мақсадида **қарор қиламиз:**

1. «Кадрларни давлат грантлари асосида мақсадли тайёрлаш тартиби тўғрисида низом» иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказилгандан ўн кундан сўнг кучга киради.

Иқтисодиёт вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 7 июль,
58-сон

Олий ва ўрта махсус таълим вазири Р. ҚОСИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 7 июль,
154-1-сон

Халқ таълими вазири Т. ЖУРАЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 7 июль,
19-сон

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш
вазири в.б. А. АКБАРОВ**

Тошкент ш.,
2005 йил 7 июль,
02/2658-сон

Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими
вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазирлигининг
2005 йил 8 июлдаги 58, 154-1, 19 ва
02/2658-сонли қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

Кадрларни давлат грантлари асосида мақсадли тайёрлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 июндаги ПҚ-92-сон «2005/2006 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги қарорининг 6-бандига мувофиқ, олий таълим муассасаларида давлат грантлари асосида мақсадли тайёрланган кадрларни камида уч йил ишлаб бериш шарти билан, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларга ишга тақсимлаш қоидалари ва тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Барча таълим йўналишлари бўйича давлат грантлари асосида тахсил олган олий таълим муассасалари бакалавр ва магистрлари (кейинги ўринларда матнда битирувчилар деб юритилади) 2005/2006 ўқув йилидан бошлаб мажбурий тартибда камида уч йил ишлаб бериш шарти билан таълим муассасаларига, корхона ва ташкилотларга (кейинги ўринларда матнда иш берувчи деб юритилади) ишга тақсимланади.

2. Олий таълим муассасаларини давлат грантлари асосида бакалавриятни тамомлаган битирувчилар магистратурага тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинган тақдирда, камида уч йил ишлаб бериш мажбурияти магистратурани якунлагандан сўнг ушбу Низом талаблари асосида амалга оширилади.

3. Агар битирувчи олий таълим муассасаларининг бакалаврияти ва магистратурасида давлат грантлари асосида ўқиган тақдирда, унинг ишлаб бериш мажбурияти камида уч йил деб ҳисобланади.

4. Олий таълим муассасаларини тўлов-контракт асосида бакалавриятни тамомлаган битирувчилар магистратурага давлат грантлари асосида ўқишга қабул қилинган тақдирда камида уч йил ишлаб бериш мажбурияти магистратурани якунлагандан сўнг ушбу Низом талаблари асосида амалга оширилади.

5. Битирувчиларни эгаллаган таълим йўналиши ва касбий тайёргарлигига кўра тақсимлашни мувофиқлаштириш учун тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик, идоралар қошида махсус комиссиялар тузилади.

II. Битирувчиларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш ва буюртмаларни шакллантириш

6. Иш берувчи кадрларга бўлган эҳтиёжни, мавжуд бўш иш жойлари ҳақидаги маълумотларни ҳар йили 1 апрелга қадар аниқлайдилар ҳамда махсус комиссияга иш жойи кўрсатилган ҳолда, кафолатланган талабнома (буюртма)ни тақдим этадилар.

7. Ўз тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёж ҳамда уларга бўлган буюртмаларни йўналишлар бўйича умумлаштириб, олий таълим муассасалари битирувчилари тақсимооти кўрсаткичларини шакллантиради.

8. Махсус комиссия томонидан буюртмалар асосида шакллантирилган тақсимот кўрсаткичлари тегишли олий таълим муассасаларига юборилади.

III. Битирувчиларни ишга тақсимлаш тартиби

9. Олий таълим муассасарида битирувчиларни ишга тақсимлаш улар олий таълим муассасасини битиришидан камида 1 ой олдин ўтказилади.

10. Битирувчиларнинг тақсимооти олий таълим муассасаси ректори тасдиқлаган олий таълим муассасасининг тақсимот комиссияси (кейинги ўринларда матнда тақсимот комиссия деб юритилади) томонидан ўтказилади. Тақсимот комиссия таркибига: олий таълим муассасаси ректори - комиссия раиси, факультет декани, кафедра мудирлари ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар, иш берувчилар вакиллари аъзо қилиб киритилади.

11. Олий таълим муассасаси битирувчиларни ишга тақсимланиш жараёнидан олдин битирувчилардан қаерда ишлашни хоҳлаши тўғрисида сўров-анкеталари тўлдириб олинади.

12. Олий таълим муассасаси тақсимот комиссияси:

а) битирувчиларни олий таълим муассасасида эгаллаган таълим йўналишлари ва малакасига, кадрларга бўлган буюртмага асосан ҳамда уларнинг рейтинги, оилавий шароити, доимий яшаш жойи ва таклиф этилаётган иш жойларида ишлаш истагини ҳисобга олган ҳолда ишга тақсимлайди;

б) ҳар бир битирувчини таклиф қилинаётган иш жойи, меҳнат ва маиший шароитлар, лавозими, иш ҳақи микдори тўғрисидаги ва бошқа зарур маълумотлар билан таништиради;

в) мажлис баённомаси ва битирувчилар шахсий тақсимооти қайдномасини юриади (1-илова).

13. Юқори рейтинг тўплаган битирувчилар биринчилар қаторида мавжуд бўлган иш жойларига ўзларининг ихтиёри билан жойлашиш ҳуқуқига эга бўладилар.

14. Олий таълим муассасаларида ўз ҳисобидан тўлов-контракт бўйича таълим олган битирувчилар ўз ихтиёри билан тақсимот комиссиясида иштирок этиши ва унинг розилиги асосида комиссия қарори билан таклиф этилаётган иш жойларига ишга юборилиши мумкин.

15. Агар тақсимот комиссияси битирувчини иш билан таъминлай олмаса, унга мустақил ишга жойлашиш имконияти берилганлиги тўғрисида маълумотнома (2-илова) тақдим этади.

16. Тақсимот комиссияси ишини тугатгандан сўнг битирувчиларни уларнинг саломатлиги, оилавий шароити ўзгариши асосида қайта тақсимлаш масаласи олий таълим муассасаларининг тақсимот комиссиялари томонидан кўриб чиқилиши мумкин.

17. Олий таълим муассасаси тақсимот комиссияси иши тугагандан сўнг бир ҳафтадан, бироқ битирувчи ўқишни тугатган кундан сўнг уч кундан кечиктирмай, ишга юборилаётган ҳар бир битирувчига қуйидаги ҳужжатларни беради:

олий маълумот тўғрисидаги дипломдан кўчирма;

ишга юборилганлик тўғрисидаги йўлланма (3-илова);

тақсимот комиссияси қароридан ва тақсимот рўйхатидан кўчирма.

Мустақил ишга жойлашиш имконияти берилган битирувчиларга мазкур бандда назарда тутилган муддатларда мустақил ишга жойлашиш имконияти берилганлиги тўғрисида маълумотнома ва олий маълумот тўғрисидаги дипломнинг асл нусхаси берилади.

Олий таълим муассасаси ректори мазкур бандда кўрсатилган ҳужжатларни битирувчига ўз вақтида берилишига шахсан жавобгардир. Битирувчига белгиланган нусхадаги йўлланма ўрнига бошқа ҳужжатлар берилишига рухсат этилмайди.

18. Битирувчи мазкур Низом талаблари асосида тақсимот бўйича уч йил ишлаб бергандан кейин унга олий таълим муассасаси томонидан бир ҳафта муддатда меҳнат дафтарчасига мувофиқ дипломнинг асл нусхаси берилади.

IV. Тақсимот асосида юборилган битирувчиларни ишга қабул қилиш ва уларнинг меҳнати

19. Битирувчилар ўқишни тамомлагандан сўнг кўпи билан уч ойгача бўлган муддатда иш жойига етиб келишлари ва иш бошлашлари лозим.

20. Иш берувчи иш жойига етиб келган битирувчи томонидан тақдим этилган йўлланмани тасдиқлайди ва ўн кун муддат ичида йўлланмани тегишли олий таълим муассасасига юборади.

21. Иш берувчи олий таълим муассасаси битирувчилари билан ўрнатилган тартибда ишга юборилганлик тўғрисидаги йўлланмага мувофиқ меҳнат шартномаси тузади.

Танлов асосида ишга қабул қилинадиган лавозимларга битирувчилар йўлланма асосида танловсиз қабул қилинади.

22. Битирувчи томонидан мажбурий ишлаб берилиши лозим бўлган уч йиллик муддатга қуйидаги муддатлар ҳам киради:

таълим муассасаси, корхона ёки ташкилотда турли лавозимларда ишлаган муддат;

таълим муассасаси, корхонаси ёки ташкилот мансуб бўлган тизимдаги (вазирлик, идора ёки бошқа хўжалик бошқаруви органи) бошқа таълим муассасаларида, корхона ва ташкилотларда иш берувчининг розилигига кўра ишлаган муддат;

меҳнат таътилида, шу жумладан ижтимоий таътиллarda бўлган муддат;

муддатли ҳарбий хизмат ёки сафарбарлик чақирuvi резервидаги ҳарбий хизмат ўталган муддат.

23. Битирувчи уч йил мажбурий ишлагандан сўнг шу иш берувчида ишни давом эттириш масаласи иш берувчи ва ходимнинг ўзаро келишувига мувофиқ меҳнат қонунчилиги асосида ҳал этилади.

V. Битирувчиларга берилadиган имтиёзлар

24. Ишга тақсимланган битирувчи таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларга ишга жойлашгач, иш берувчи унга меҳнат қилиши учун шарт-шароитларни яратади, уй-жой билан таъминлаш чораларини кўради.

25. Иш берувчи ёш мутахассисларнинг меҳнатини рағбатлантириш ва уларнинг лавозимларини ошириш чораларини кўради, уларга илмий иш билан шуғулланиш учун имконият яратади.

26. Олий таълим муассасаларини тугатган ва ишга юборилган битирувчи тақсимот комиссияси қароридан норози бўлган тақдирда олий таълим муассасаси буйсунадиган тегишли вазирлик ёки идорага ёхуд судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

VI. Яқуний қоидалар

27. 2005/2006 ўқув йилидан бошлаб, ҳар ўқув йилининг бошида, яъни сентябрь ойида, олий таълим муассасаларига бакалаврият ва магистратура бўйича давлат грантлари асосида қабул қилинган талабалар билан олий таълим муассасаси ўртасида ўқишни тамомлагандан сўнг таълим муассасалари, қорхона ва ташкилотларда камида уч йил ишлаб бериш тўғрисида шартнома тузилиши лозим.

Битирувчи узрсиз сабабларга кўра тақсимланган жойда ишлашни хоҳламаса, унга нисбатан амалдаги қонунчилик асосида чоралар кўрилади.

28. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Бадий академияси, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси билан келишилган.

Соғлиқни сақлаш вазири Ф. НАЗИРОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 4 июль

Маданият ва спорт ишлари вазири А. АЗИЗХЎЖАЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 4 июль

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири С. ИСМОИЛОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 4 июль

Бадий академия раиси Т. ҚЎЗИЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 4 июль

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАК раиси О. РАМАТОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 4 июль

**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги
Бош директори А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2005 йил 4 июль

**Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг
раиси Д. ЖАХОНГИРОВА**

Тошкент ш.,
2005 йил 4 июль

Кадрларни давлат грантлари асосида
мақсадли тайёрлаш тартиби тўғрисидаги
ниҳомга
1-ИЛОВА

200__ й. _____ ни
(олий таълим муассасаси номи)

БИТИРУВЧИЛАР ШАХСИЙ ТАҚСИМОТИ ҚАЙДНОМАСИ

Т/р	Фамилияси, исми шарифи	жинси	Туғилган йили	оилавий аҳволи	доимий яшаш жойи (ота- онасининг, турмуш ўртоғининг манзили)	Битирувчи тугатган таълим йўналиши (мутахассис- лиги)	қаерга ишга юборилади		Битирувчи имзоси
							Таълим муассасаси, корхона ва ташкилот номи	лаво- зими	

Кадрларни давлат грантлари асосида
мақсадли тайёрлаш тартиби тўғрисидаги
низомга
З-ИЛОВА

(Вазирлик номи)
**ИШГА ЮБОРИЛГАНЛИК
ТЎҒРИСИДА**

№ _____ йўлланма бўлаги
20__ й. «__» _____

(олий таълим муассасаси номи тўлиқ ёзилади)

(таълим йўналиши (мутахассислиги) бўйича таъинланган)

(исми, шарифи тўлиқ ёзилади)

лавозимида ишлаш учун

(таълим муассасаси, корхона ва ташкилотнинг номи)

ихтиёрига юборилади

Етиб келиш муддати: _____

М.Ў.

сана

(Битирувчи иш жойига келгач 10 кунлик муддатда
тўлдирилиб, олий таълим муассасасига қайтарилади.)

**ИШГА ЮБОРИЛГАНЛИК
ТЎҒРИСИДА**

№ _____ йўлланма
(Иш берувчи: таълим муассасаси, корхона ва
ташкилот номи) _____

_____ маълум қиладики,
олий таълим муассасасини таъинлаган номи
кўрсатилади) _____

(исми шарифи тўлиқ ёзилади)

20__ й «__» _____ да
иш жойига етиб келди ва лавозимига тайинланди.

Раҳбар

(имзо)

М.Ў.

сана

Кадрларни давлат грантлари асосида
мақсадли тайёрлаш тартиби тўғрисидаги
низомга
2-ИЛОВА

**МУСТАҚИЛ ИШГА ЖОЙЛАШИШ ИМКОНИАТИ
БЕРИЛГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА
___ - СОНЛИ МАЪЛУМОТНОМА**

20___ й. «___» _____ да

_____ НИ

(ОТМнинг номи тўлиқ ёзилади)

_____ таълим йўналиши (мутахассислиги) бўйича тамомлаган _____

_____ (исми шарифи тўлиқ ёзилади)

Кадрларни давлат грантлари асосида мақсадли тайёрлаш тартиби тўғрисида
Низомнинг III бўлимининг 15 бандига мувофиқ мустақил ишга жойлашиш имкони-
яти берилади.

Олий таълим
муассасаси ректори

М.Ў

_____ (имзо)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИИ

259 Олий таълим муассасаларининг педагогика ва касбий таълим йўналишлари бўйича давлат грантлари асосида таҳсил олган битирувчиларни умумтаълим мактаблари ва таълим муассасаларига ишга тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомни бекор қилиш ҳақида

(2005 йил 10 августдан давлат реестридан чиқарилди)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 июндаги «2005/2006 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги ПҚ-92-сон Қарорининг 6-бандига мувофиқ **қарор қиламиз:**

«Олий таълим муассасаларининг педагогика ва касбий таълим йўналишлари бўйича давлат грантлари асосида таҳсил олган битирувчиларни уммутаълим мактаблари ва таълим муассасаларига ишга тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низом» (2004 йил 29 декабрь, рўйхат рақами 1438-сон) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Иқтисодиёт вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 1 август,
57-сон

Олий ва ўрта махсус таълим вазири Р. ҚОСИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 1 август,
154-2-сон

Халқ таълими вазири Т. ЖЎРАЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 1 август,
19-1-сон

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазири в.б А. АКБАРОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 1 август,
02/2658-1-сон

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

260 Тайёр кийим-кечак (тикувчилик, трикотаж ва чарм буюмлар), пайпоқлар ва пойафзал ишлаб чиқаришга ихтисослашган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга нисбатан солиқ имтёзларини қўллаш ва бўшаб қолган маблағлардан мақсадли фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 10 августда 1264-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2005 йил 20 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 январдаги «Республика тўқимачилик тармоғига инвестициялар жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 38-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 5-6-сон, 33-модда) мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат статистика қўмитасининг 2003 йил 17 июлдаги 80, 7, 2003-61, 5-сон қарори билан тасдиқланган Тайёр кийим-кечак (тикувчилик, трикотаж ва чарм буюмлар), пайпоқлар ва пойафзал ишлаб чиқаришга ихтисослашган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга нисбатан солиқ имтёзларини қўллаш ва бўшаб қолган маблағлардан мақсадли фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорига (2003 йил 5 август, рўйхат рақами 1264 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 йил, 15-сон) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтганидан кейин кучга киритилсин.

Молия вазири С. РАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 9 август,
72-сон

Иқтисодийт вазирнинг биринчи ўринбосари У. РОЗУҚУЛОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 9 август,
62-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Давлат солиқ қўмитаси раиси **Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,
2005 йил 9 август,
2005-43-сон

Давлат статистика қўмитаси раиси **Ф. ҚУДРАТОВ**

Тошкент ш.,
2005 йил 9 август,
4-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

261 2005 йилда ғўза дефолиациясини ўтказиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
11 августда 1507-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 21 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июндаги 290-сонли қарорига асосан ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари томонидан ғўза дефолиациясини самарали ўтказишини яхшилаш мақсадида, **бую-раман:**

1. 2005 йилда ғўза дефолиациясини ўтказиш бўйича йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири **С. ИСМОИЛОВ**

Тошкент ш.,
2005 йил 11 август,
169-сон

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг
11 августдаги 169-сон буйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН

2005 йилда ғўза дефолиациясини ўтказиш бўйича ЙЎРИҚНОМА

Мазкур Йўриқнома 2005 йилда ғўза дефолиациясини ўтказиш тартибини белгилайди ва ғўза дефолиациясини ўтказувчи барча қишлоқ хўжалиги корхоналари, қонунчиликка мувофиқ ғўза дефолиациясини ўтказиш ишларига масъул бўлган барча давлат органлари ва мансабдор шахслари учун бажарилиши мажбурийдир.

I. Умумий қоидалар

1. Ғўза дефолиацияси кўсақларнинг эрта етилиб, барвақт очилишини таъминлаш мақсадида ғўза баргини дефолиантлар ёрдамида сунъий тўктиришдан иборат агротехник тадбир ҳисобланади.

2. Ғўза дефолиациясини ўтказишда хлорат магний, суюқ хлорат магний, авгурон-экстра, садаф ва бошқа дефолиантлар қўлланилади.

Қўлланиладиган дефолиантлар қўйидаги хусусиятларга эга:

Хлорат магний — таркибида 58—60% таъсир қилувчи рангсиз кристалл модда бўлиб, 6 молекула сув бўлган туз ҳолида ишлаб чиқарилади. Сувда яхши эрийди, ўзига нам тортиш хоссаси ўта кучли, шунинг учун уни қуруқ жойда, нам ва ҳаво ўтказмайдиган идишларда сақлаш зарур.

Суюқ хлорат магний — таркибида 43% таъсир этувчи модда бўлган оч сарғич рангли суюқлик бўлиб гектарига 7-8 литр меъёрида ишлатилади. Таъсир этиш механизми худди кристалл шаклдаги хлорат магнийга ўхшайди. Дефолиант кам заҳарли, ҳидсиз.

Авгурон-экстра — юмшоқ таъсир этувчи суюқ модда бўлиб, гектарига 0,1-0,2 литр меъёрида ишлатилади. Авгурон-экстра дефолиантини хавонинг суткалик уртача ҳарорати 18°C дан паст булмаганда ишлатилганда яхши самара беради.

Садаф — оч сарғиш рангда, ҳидсиз, заҳарлилик даражаси жуда паст суюқлик бўлиб, гектарига 8,5—10 литр меъёрида ишлатилади.

3. Ғўза дефолиациясини ўтказишда ҳар бир дефолиант бўйича ишлаб чиқилган тавсияларга риоя этиш талаб этилади.

II. Ғўза дефолиация ўтказиш муддатлари ва меъёрлари

4. Ғўза дефолиациясини ўтказиш тадбирлари, қоида тариқасида, Ҳукумат қарорларида белгиланган муддатларда амалга оширилади.

5. Ғўза дефолиацияси ўтказилиши лозим бўлган далани танлашда ҳамда дефолиация ўтказишнинг аниқ муддатини белгилашда ҳаво ҳарорати, тупроқнинг намлиги, ғўзанинг биологик етилганлигига (шу жумладан кўсақларнинг очилганлигига), пахта пайкаллари чеканка қилиш (чилпиш) ўтказилган муддатларга асосланилади. Хавонинг ҳарорати ҳамда ғўзанинг биологик етилганлиги даражасига қараб дефолиациянинг мақбул муддати 25 августдан 20 сентябргача белгиланади.

6. Юмшоқ таъсир этувчи дефолиантларни қўллаган ҳолда дефолиацияни ўтказиш учун ҳаво ҳарорати 17°C-18°Cдан, каттик таъсир этувчи дефолиантларни қўлла-

ган ҳолда дефолиацияни ўтказиш учун ҳаво ҳарорати 150С дан паст бўлмаслиги лозим.

7. Дефолиация пайтида тупроқнинг намлиги чекланган дала намлиги сифими (ЧДНС)га нисбатан 60—70% атрофида бўлиши лозим.

8. Ғўзанинг биологик етилганлиги бўйича ўрта толали ғўза навларининг ҳар бир тупида ўртача 50—55 фоиз, ингичка толали ғўза навларида 60—65 фоиз кўсақлар очилганда дефолиация ўтказиш лозим.

9. Пахта пайкалларида чеканка (чилпиш) ўтказилган муддатига кўра ғўза тупининг энг юқоридаги иккинчи кўсаги кесилганда уни кесилиши қийин бўлса ва чигити қорайган бўлса дефолиацияни бошлаш мақсадга мувофик.

10. Қўлланиладиган дефолиантлар меъёрларини аниқлашда ғўзанинг ғовланиши, ҳаво ҳарорати ва ғўза навларининг морфологик хусусиятларидан келиб чиқилади.

11. 1 гектар майдонга қўлланилиши лозим бўлган дефолиантлар ўртача меъёрлари мазкур Йўриқноманинг 1-иловасида белгиланган.

12. Ҳар бир дала учун дефолиация муддати ва меъёри мутахассислар томонидан мазкур бўлимда назарда тутилган талаблар асосида алоҳида аниқланади. Бунда, ғўза пайкаллари табақалаб дефолиация ўтказиш учун танлаб олинади.

III. Дефолиация учун ишчи эритмани тайёрлаш тартиби

13. Дефолиантларни яхши эришини таъминлаш мақсадида дефолиация учун эритма махсус ҳовуларда ёки идишларда тайёрланиши лозим.

14. Эритма ғўзанинг ҳолатига қараб алоҳида тайёрланади. 4000—5000 литрли бетон ҳовуларда сув миқдорига қараб дефолиант қўшилади ва камида бир соат давомида насослар ёрдамида аралаштирилади.

Масалан, гектарига 10 кг хлорат магний сепиш талаб этилади. ОВХ русумли пуркагичда суюқлик сарфи гектарига 300 литр қилиб созланганда, ҳовуздаги 3000 литр сувга 10 гектар майдон учун 100 кг дефолиант аралаштириш зарур бўлади.

15. Дефолиант ва сув сарфига қараб эритма тайёрлашнинг ўртача меъёрлари мазкур Йўриқноманинг 2-иловасида келтирилган.

16. Ҳовуздаги тайёр эритма насослар ёрдамида транспорт воситасига ўрнатилган махсус цистерналарга солинади ва пуркагич ишлаётган майдонга олиб борилади.

IV. ОВХ русумли пуркагич билан эритмани сепиш тартиби

17. Дефолиацияни ўтказишдан олдин пуркагичнинг ишчи тезлиги ва қамров кенглиги, суюқлик босими ва сарфи ростланиши, халқачалар тўғри ўрнатилиши ва филтрлар тозалиги таъминланиши лозим.

Эритмани пуркагич орқали сепишда эритма имкони борича майда томчилардан иборат бўлиши, эритма баргларга текис сепилиши лозим. Бунинг учун халқачаларни тўғри ўрнатиб, суюқликни 2—4 атмосфера босими остида сепиш мақсадга мувофик.

18. Пуркагичнинг ишчи кенглигини созлашда соплони ердан ғўза ривожига қараб 1,2-2 метр баландликка ўрнатиш, ўқидан 10—12 даража (градус)га ётиқ ҳолатига келтириш талаб этилади.

Пуркагичнинг бурилиш бурчаги паст ғўзаларда 180, ўртача ғўзаларда 160 ва кучли ривожланган ғўзаларда 140 градусни ташкил қилиши ҳамда ҳар иккала томонда бир хил бўлиши керак.

19. Бир қаторга икки марта дефолиант сепиш, шу жумладан қаторлар орасига чок бостириб сепиш қатъиян тақиқланади.

20. Пуркагич осилган трактор филдиракларига химоя тўсқичлари ўрнатмасдан, аппаратнинг остки қисмини юмшоқ мато билан ўрамасдан дефолиацияни бошлашга рухсат этилмайди.

V. Дефолиантларни қўлашда қўриладиган эҳтиёт чоралари

21. Дефолиантларни сақлаш, юклаш, тушириш ва уларни ишлатиш билан банд бўлган барча шахслар тиббий қўриқдан ўтган ва хавфсизлик қоидалари билан танишган бўлишлари шарт.

22. Дефолиантлар махсус омборларда сақланиши зарур.

23. Дефолиантлардан бўшаган идиш ва қоплардан озик-овқат маҳсулотлари, сув, ем-хашак ва озуқа сақлашда фойдаланиш қатъиян тақиқланади.

24. Ғўза дефолиациясида қатнашувчи шахслар махсус кийимлар ва шахсий химоя воситалари, шу жумладан резина қўлқоп, резина этик, респиратор ва химоя кўзойнаги билан таъминланган бўлишлари керак.

25. Ғўза дефолиациясида қатнашувчи шахслар овқатланишдан олдин қўлни, албатта, совун билан ювишлари, ишдан кейин ювиниб, иш кийимларини уй кийимлари билан алмаштириши керак.

26. Иш жойида овқатланиш, сув ичиш ва чекиш ман қилинади.

27. 18 ёшга тўлмаган ўсмирлар, хомиладор ва эмизикли аёлларнинг дефолиацияда қатнашишларига рухсат этилмайди.

28. Бирон бир шахсда захарланиш аломатлари сезилганда, уни иш жойидан четроққа олиб чиқиб, тоза ҳаводан нафас олдирилиб, дастлабки тиббий ёрдам курсатилди ва тезда шифокорга олиб борилади.

VI. Якуний қоидалар

29. Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси билан келишилган.

Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Б. НИЁЗМАТОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 11 август

«Ўзкимёсаноат» ДАК бошқаруви раиси Ғ. ИБРАГИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 11 август

2005 йилда ғўза дефолиациясини ўтказиш
бўйича йўриқномага
1-ИЛОВА

1 гектар майдонга қўлланилиши лозим бўлган дефолиантлар ўртача меъерлари (литр ҳисобида)

Ғўза навларининг морфологик белгилари	Ғўзаси ғовламаган майдонлар		Ғўзаси ғовлаган майдонлар	
	t>17 ⁰ С	T<17 ⁰ С	t>17 ⁰ С	T<17 ⁰ С
Тезпишар, барг сатҳи кичик, 0,5-1,0 типда шох-ланадиган ғўза навлари «Оқдарё-6», «Тошкент-6», «Омад», «АН-Боявут-2», «С-4727», «Наманган-77»,	8,0	10,0	10,0	12,0
Ўртапишар, барг сатҳи катта, 1,5 типда шохланадиган навлар «Бухоро-6», «Бухоро-8», «С-6524», «Оққўрғон-2», «Гулбаҳор», «Хоразм-127», «Мехнат», «Бухоро-102» ва ингичка толали «Термиз-31»,	10,0	12,0	12,0	14,0

Изоҳ:

1. Ўрта толали ғўза навларига хлорат магний 8-10-12 кг/га, ингичка толали ғўза навларига эса 10-12-14 кг/га меъерларда қўлланилади.
2. Бошқа дефолиантлар сарфи хлорат магнийга мослаштириб олинади.
3. Тезпишар, 0,5-1 типда шохланувчи ғўза навлари дефолиацияга мойил бўлади, уларга дефолиантлар меъери камроқ белгиланиши керак.

2005 йилда ғўза дефолиациясини ўтказиш
бўйича йўриқномага
2-ИЛОВА

Дефолиант ва сув сарфига қараб эритма тайёрлаш меъерлари

Дефолиант сарфи, кг/га	1000 литр сувга аралаштирилади, кг ҳисобида		
	Гектарига 200 литр сув сарфланганда	Гектарига 250 литр сув сарфланганда	Гектарига 300 литр сув сарфланганда
8	40	32	27
9	45	36	30
10	50	40	33
11	55	44	36
12	60	48	40
13	65	52	43
14	70	56	47
15	75	60	50
16	80	64	53
17	85	68	57
18	90	72	60

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

**262 Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёж-
лари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиш-
тириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредит-
лаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
11 августда 1508-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 21 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида» ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари асосида **қарор қиламиз:**

1. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низом (янги таҳрирда) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор кучга кириши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки Бошқарувининг «Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 2005 йил 14 январдаги 2, 259-В-сонли қарори (2005 йил 2 февраль, рўйхат рақами 1448 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 5-6-сон, 40-модда), «Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги 2005 йил 14 мартдаги 32, 259-В-1-сонли қарори (2005 йил 22 март, рўйхат рақами 1448-1 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 12-13-сон, 95-модда), «Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги 2005 йил 30 майдаги 50, 259-В-2-сонли қарори (2005 йил 10 июнь, рўйхат рақами 1448-2 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 23-24-сон, 173-модда) қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган кундан бошлаб ўн кун ўтганидан кейин кучга киради.

Молия вазири С. РАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 3 август,
71-сон

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 3 август,
266-В-сон

Молия вазирлиги, Марказий банки
Бошқарувининг
2005 йил 3 августдаги 71, 266-В-сон
қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари
учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш
харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ
(янги таҳрир)**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида» ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари асосида тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарига давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган ғалла ва пахта хом ашёси етиштириш харажатларини молиялаштириш мақсадлари учун кредитлар бериш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Тижорат банклари томонидан ушбу кредитлар қишлоқ хўжалиги корхоналарига муддатлилик, тўловлилик, таъминланганлик ҳамда мақсадли фойдаланиш шартларида давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган ғалла ва пахта хом ашёси етиштириш харажатларини молиялаштириш мақсадларида берилади.

2. Ушбу Низом асосида кредитлаш 2006 хўжалик йилидан бошлаб давлат эҳтиёжлари учун ғалла ва пахта етиштирувчи барча қишлоқ хўжалиги корхоналарига тадбиқ этилади.

3. Кредитлар давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта хом ашёси ва ғалла қийматининг 50 фоизигача миқдорида берилади.

Бунда, кредитлар агротехник тадбирлар муддатидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги тартибда ажратилади:

пахта хом ашёси етиштириш харажатларини молиялаштириш учун ҳосил етиштирилаётган йилнинг 1 январига қадар пахта хом-ашёси қийматининг 5 фоизигача, 1 апрелига қадар 20 фоизигача, 1 июлга қадар 35 фоизигача ва 1 сентябрга қадар 50 фоизгача;

ғалла етиштириш харажатларини молиялаштириш учун ҳосил етиштирилаётган йилнинг 1 январига қадар ғалла қийматининг 20 фоизигача, 1 апрелга қадар 30 фоизигача ва 1 июнга қадар 50 фоизгача.

4. Қишлоқ хўжалиги корхонаси томонидан давлат эҳтиёжлари учун етказиб бериладиган маҳсулот ҳажмининг қиймати «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ва «Ўздон-маҳсулот» АК корхоналари (бундан кейинги матнларда — тайёрлов корхоналари) билан тузилган контрактация шартномаларидан келиб чиққан ҳолда ўрнатилади.

Кредит миқдорини аниқлаш учун амалдаги харид нархлари асос қилиб олинади. Янги харид нархлари тасдиқлангач, кредит миқдори кредит олувчининг талабига кўра қайта ҳисоблаб чиқилади.

5. Мазкур кредитлар фақат қуйидаги мақсадлар учун берилиши мумкин:

иш ҳақи ва унга тегишли ажратмаларни тўлаш учун;

минерал ўғит ва ўсимликларни кимёвий ва биологик ҳимоя қилиш воситаларини харид қилиш учун;

ёқилғи-мойлаш маҳсулотларини харид қилиш учун;

МТПлар, муқобил МТПлар, СФУлар (сувдан фойдаланувчилар уюшмалари) ва қишлоқ хўжалик техникаси мавжуд бўлган бошқа хўжалик субъектларининг хизматлари учун тўловларга;

олинган уруғлик материали қийматини тўлови учун;

хўжалик ихтиёридаги техникаларга эҳтиёт қисмларни сотиб олиш учун;

лизингга (молиявий ижарага) берилган техника воситаларининг лизинг ва суғурта тўловлари учун;

фойдаланилган электр энергияси учун тўловларга;

плёнка остига экиладиган пахта учун полиэтилен плёнкаси харид қилишга;

ягона ер солиғи тўловларига (муддати ўтган ер солиғи. Муддатли ер солиғи тўловлари қонунчиликда белгиланган муддатларда тўланади).

Шунингдек, ажратиладиган кредитларнинг 5 фоизи доирасида пахта ва ғалла етиштириш билан боғлиқ бўлган хўжаликларнинг бошқа зарурий эҳтиёжлар, шу жумладан, суғурта мукофоти учун тўловлар амалга оширилиши мумкин.

6. Бунда, ушбу Низомнинг 5-бандида келтирилган экинларни етиштириш харажатларининг ҳар бир турини молиялаштириш учун бериладиган кредитларнинг энг кўп миқдори юзасидан тавсиялар (1-илова) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ҳар йилги ҳосил учун агротехкарталардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Мазкур тавсия этилаётган харажатларнинг агротехника меъёрлари қишлоқ хўжалиги корхоналарига бизнес-режа (2-илова) ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги корхонасининг бирор бир харажат тури бўйича тўловларга эҳтиёжи бўлмаган ҳолларда, кредит ресурсларини айрим мақсадларга сарфлашдан воз кечиш ҳуқуқига эга (минерал ўғит, кимёвий ёки биологик воситалар ва уруғлик материал харажатлари бундан мустасно)

Бунда, ишлатилмаган кредит ресурслари қишлоқ хўжалиги корхонаси томонидан тасдиқланган бизнес-режага мувофиқ ғалла ва пахта етиштириш билан боғлиқ бошқа рухсат этилган харажат турлари бўйича, шунингдек қишлоқ хўжалиги техникаси сотиб олишга, ички хўжалик ирригация ва коллектор-дренаж тармоқларини тозалашга ишлатилиши мумкин.

7. Кредитлар тегишли қишлоқ хўжалик маҳсулоти бўйича қишлоқ хўжалик корхоналари билан якуний ҳисоб-китоблар яқунлангунча, лекин ғалла етиштиришни молиялаштиришга ажратилган кредитлар бўйича 12 ойдан ва пахта хом ашёси етиштиришни молиялаштиришга ажратилган кредитлар бўйича 18 ойдан кўп бўлмаган муддатга, қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқисиз берилади.

8. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини кредитлаш банк маржасини ҳисобга олган ҳолда, имтиёзли фоиз ставкаси билан амалга оширилади.

Бу кредитлар бўйича имтиёзли фоиз ставкаси йиллик 3 фоиз миқдорида белгиланиб, унинг 2 фоизи банк маржасини ташкил этади.

9. Кредит қишлоқ хўжалиги корхонасига унинг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб рақами очган ва унга хизмат кўрсатаётган банк томонидан берила-

ди. Ушбу кредитларни иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб рақами очилган банк томонидан берилишига рухсат берилмайди.

II. Кредитлар беришда тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарининг аризаларини кўриб чиқиш тартиби

10. Қишлоқ хўжалиги корхоналари тайёрлов корхоналари билан контрактация шартномалари тузганларидан кейин кредит олиш учун уларнинг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига хизмат кўрсатаётган банкка ариза билан мурожаат этишади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

тайёрлов ташкилотлари билан тузилган контрактация шартномалари нусхалари;

кредитга бўлган талабни аниқлаш учун тайёрланган бизнес-режа;

дебитор-кредитор қарзлар тўғрисида маълумотнома (2а-шакл) ва молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-шакл).

11. Имтиёзли кредитлар қайтишини таъминлаш мақсадида, банк давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта хом ашёси ва ғалла етиштиришни молиялаштириш мақсадида қишлоқ хўжалиги корхоналарига берилган имтиёзли кредитлар қайтарилиши бўйича ўзининг тадбиркорлик хавфини суғурта қилиши мумкин. «Ўзагросуғурта» компаниясининг имтиёзли кредитларнинг қайтмаслиги хавфини суғурталаш шартномалари бўйича суғурта бадаллари ҳажми олинаётган кредит суммасининг 0,75 фоизи миқдорида бўлади ва тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан тўланади. Бунда, «Ўзагросуғурта» ДАСК томонидан суғурта полиси кредит шартномасида белгиланган кредитнинг бутун қайтариш муддатига берилди. Тақдим этилаётган кредит миқдори «Ўзагросуғурта» ДАСК билан келишилган суғурта пулидан кўп бўлмаслиги зарур.

Тижорат банклари яхши молиявий ҳолатга эга бўлган, олдин олган кредитларини доимо ўз вақтида қайтариб келган қишлоқ хўжалиги корхоналарига мазкур кредитларни уларни қайтмаслик хатарини суғурталамаган ҳолда, яъни «Ўзагросуғурта» ДАСК суғурта полисини олмаган ҳолда бериш ҳуқуқига эгалар.

Тижорат банклари берилган кредитларнинг қайтишини таъминлаш мақсадида тайёрлов корхоналари томонидан берилган кредитларни қайтарилиши борасида кафилигини қабул қилишлари мумкин.

12. Мазкур Низомнинг 10-бандида келтирилган барча зарур ҳужжатлар тақдим этилганидан сўнг, банк қишлоқ хўжалиги корхонасининг аризасини кўриб чиқиши ва 3 кун муддат ичида у билан кредит шартномаси тузиши лозим.

Банк кредит кўмитаси томонидан кредит беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳолларда, у раддияни ёзма шаклда изоҳлаб бериши шарт.

III. Кредитлаш, мониторинг ва кредитни сўндириш тартиби

13. Кредит шартномаси кучга киргандан сўнг, кейинги иш кунидан кечиктирмасдан қишлоқ хўжалиги корхонасига ссуда ҳисобварағи очилади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ссуда ҳисобварағидан тўловлар ушбу Низомнинг 5 ва 6-бандларида кўрсатилган мақсадлар учун нақд пулсиз шаклда (иш ҳақидан ташқари) фақат қишлоқ хўжалик корхоналарининг тўлов топшириқномаларига асосан амалга оширилади.

Шунингдек, қишлоқ хўжалик корхоналарининг ёзма розиликлари бўлган тақ-

дирда, ушбу тартибнинг 5-бандида кўрсатилган мақсадларга молиялаштирилаётган жорий йил ҳосили учун етказиб берилган моддий техник ресурслар ва кўрсатилган хизматлар учун К-2га қўйилган ва белгиланган тартибда қарз олувчи томонидан акцептланган тўлов талабномаларига мувофиқ тўловлар амалга оширилиши мумкин.

Тўлов талабномалари қарз олувчи томонидан акцептланмаган тақдирда, тўловлар суд қарори асосида ундирилади.

14. Бунда, тўловлар қуйидаги тартибда амалга оширилади:

ойлик иш ҳақи тўловлари учун агротехкарталарда белгиланган меъёрларда;

минерал ўғит ва ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари учун тўловларда, маблағлар «Қишлоқхўжаликкимё» ХАЖ филиалларининг махсус 23204-сонли ва 23222-сонли ҳисоб рақамларига ўтказилади;

«Ўзагромашсервис» уюшмаси МТП ларининг хизматлари учун тўловларда, маблағлар уларнинг махсус 23218-сонли ва 23210 (23220)-сонли ҳисоб рақамларига ўтказилади;

ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари ва электроэнергия учун «Ўзнефтмахсулот» компанияси, «Ўзбекэнерго» ДАК корхоналари тўловларда, маблағлар уларнинг махсус 23204-сонли ва 23210 (23220)-сонли ҳисоб рақамларига ўтказилади;

уруғлик материали қиймати учун тайёрлов корхоналарининг 23204-сонли махсус ҳисоб рақамларига ўтказилади;

муқобил МТПлар, СФУлар (суддан фойдаланувчилар уюшмалари), бошқа корхона ва ташкилотлар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳамда эҳтиёт қисмлар учун тўловларда, маблағлар ушбу хўжалик юритувчи субъектларнинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб рақамларига ўтказиб берилади.

15. Банклар тўловларнинг ссуда ҳисобварағидан мазкур Низомнинг 5 ва 6-бандлардаги мақсадлар учун амалга оширилишини назорат қилади. Шунингдек, банклар «Ўзагросуғурта» ДАСК билан биргаликда суғурта шартномаси асосида ҳар бир қишлоқ хўжалиги корхонаси бўйича ғалла ва пахта экинларининг ҳолатини ва бўлажак ҳосилнинг берилган кредитларнинг қайтарилишини таъминлаш учун етарлигини аниқлаш мақсадида доимий мониторинг ўрнатадилар.

16. Экинлар (тўлиқ ёки қисман) мавжуд бўлмаган ёки улар аҳволининг қониқарсизлиги, жумладан агротехник тадбирларнинг кечикиши, экин майдонларини бегона ўтлар босиб кетиши ҳолатлари аниқланганда, бу ҳақда банк ва «Ўзагросуғурта» ДАСКнинг ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг туман бўлинмалари (қарз олувчи фермер хўжалиги бўлганида Фермер хўжаликлари уюшмасининг вакиллиги) биргаликда уч томонлама далолатнома тузадилар. Ушбу далолатнома асосида банк кредитлашни тўхтатади ва кредитлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизларни муддатидан олдин сўндириш чораларини кўради. Бу чоралар кредит шартномасида келишилган бўлиши керак.

Шу билан бир вақтда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг туман бўлинмалари (қарз олувчи фермер хўжалиги бўлганида Фермер хўжаликлари уюшмасининг вакиллиги) томонидан ушбу далолатнома хизмат кўрсатувчи тармоқ корхоналарига етказилиши лозим.

17. Кредитлар ва унга ҳисобланган фоизлар қишлоқ хўжалиги корхоналарининг махсус 23210 (23220) ҳисоб рақамларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлов корхоналарига сотишдан тушган маблағлар ҳисобидан, биринчи навбатда банк томонидан мемориал ордерлар билан ундирилади.

Кредит шартномаси асосида берилган кредитларни қайтариш муддати етиб келганда, уларни ундириб олиш учун, қарздор-қишлоқ хўжалиги корхонасининг

маблағи етарли бўлмаганда, тижорат банклари суғурта полиси асосида «Ўзагросуғурта» ДАСК бўлимларига суғурта ҳодисаси рўй берганлиги тўғрисида мурожаат қиладилар.

Суғурта товони, тижорат банклари ва «Ўзагросуғурта» ДАСК бўлимлари ўрта-сида тузилган Бош полис асосида тижорат банкларига 5 кун муддатда тўлаб берилади.

Топширилган маҳсулот учун якуний ҳисоб-китобларда тайёрлов корхоналари томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарига етказиб берилган моддий бойликлар қиймати ва аввалги йиллар қарзларини чегириб қолишга йўл қўйилмайди. Ушбу моддий бойликлар учун ҳисоб-китоблар ва қарзларни қайтариш ажратилган банк кредитлари тўлиқ тўлангач, қишлоқ хўжалик корхонасининг тўлов топшириқнома-ларига мувофиқ амалга оширилади.

18. Кредитлардан фойдаланганлик учун фоизлар кредитнинг амалдаги қолди-рига ҳар куни ҳисоблаб борилади ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлов корхоналарига сотишдан тушган маблағлар ҳисобидан:

ғалла етиштиришни молиялаштиришга ажратилган кредитлар бўйича йилнинг июль ойидан бошлаб ва кредитни тўлиқ қайтариш вақтигача;

пахта хом ашёси етиштиришни молиялаштиришга ажратилган кредитлар бўйи-ча йилнинг ноябрь ойидан бошлаб ва кредитни тўлиқ қайтариш вақтигача ундири-лади.

Бунда қишлоқ хўжалиги корхоналари кредитни ва унга ҳисобланган фоизлар-ни муддатидан олдин қайтаришлари мумкин.

19. Шунингдек, ажратилган кредитлардан мақсадли фойдаланиш Молия вазир-лигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси томонидан текшириб борилади.

20. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазир-лиги, «Ўзагросуғурта» ДАСК ва Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси билан келишилган.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири С. ИСМОИЛОВ

«Ўзагросуғурта» ДАСК раиси Ш. НУРМАТОВ

Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси раиси С. ҚОБИЛОВ

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат
эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта
ва ғалла етиштириш харажатларини
тижорат банклари томонидан кредитлаш
тартиби тўғрисидаги (янги таҳрирдаги)
низомага
1-ИЛОВА

**Қишлоқ хўжалик корхоналарини 2006 йил пахта (ғалла)
ҳосилини етиштириш харажатларининг ҳар бир турини
молиялаштириш учун бериладиган кредитларнинг энг кўп
миқдори юзасидан
ТАВСИЯЛАР**

№	Харажат турлари	1 тонна ҳосил учун сўм ҳисобида
1.	Иш ҳақи ва унга тегишли ажратмаларга	
2.	Минерал ўғитлар шу жумладан:	
	азотли	
	фосфорли	
	калийли	
3.	Ўсимликларни ҳимоя қилиш	
а)	ш. жумладан: кимёвий усул билан	
в)	биологик усул билан	
4.	Уруғлик	
5.	Механизация хизмати (МТП, муқобил МТП ва қишлоқ хўжалик техникаси мавжуд бўлган бошқа хўжалик субъектлари)	
6.	СФУ хизмати	
7.	ЁММ	
8.	полиэтилен плёнкаси харажатлари	
9.	Электр энергияси харажатлари	
10.	Лизинг ва эҳтиёт қисм харажатлари	
11.	Бошқа харажатлар (пахта ишлаб чиқариш бўйича бошқа харажатлар ҳамда сақлаш учун ажратмалар) *	
	Жами	

*) Бошқа харажатлар учун тўловлар қуйидаги кўрсатилган харажат моддалари
бўйича амалга оширилади

1. Банклар хизмати
2. Хўжалик ва идора харажатлари
3. Ички хўжалик ирригация ва коллектор-дренаж тармоғларини тозалаш харажатлари
4. Коммунал хизматлар (сув, газ, электр энергия, иситиш ва бошқалар) учун тўловлар
5. Хўжалик ихтиёридаги автотранспорт учун ЁММ харажатлари
6. Суғурта харажатлари
7. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Деҳқон фермер хўжаликлари уюшмаларини сақлаш харажатлари (туман ҚСХБ, уюшма)
8. Бошқарув аппарати ходимларининг иш ҳақи ва бюджет тўловлари

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид билинадиган пахта ва ғалла етиштириш харajatларини тижрат банклар томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги (янги тахрирдаги) низомига
2-ИЛОВА

(Миллион ҳажазлик ҳисобда)

Қишлоқ хўжалиги мақсулотларининг турлари	Тўлиқ таънарсиз		Иш ҳақи		Минерал ўғит ва қиёвий воситалар		Уруғлик		Техника хизматлари		Электр энергияси		Бошқа харajatлар	
	1	2	3	4	5	6	7	8						
А														
Пахта														
Ғалла														
Жами														

(Миллион ҳажазлик ҳисобда)

Қишлоқ хўжалиги мақсулотларининг турлари	Эвни майдони, гектари		Хосндорлик, ц/га		Ишлаб чиқариладиган мақсулот миқдори, тонна		Ишлаб чиқариладиган мақсулотнинг ўлچамли		Олинган даромад		Молиявий ялғизлик (фойдаланган Зарар)	
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
А												
Пахта												
Ғалла												
Жами												

(Миллион ҳажазлик ҳисобда)

Қишлоқ хўжалиги мақсулотларининг турлари	январ		феврал		март		апрел		май	
	Жами харajatлар	Кредит маблағи	Жами харajatлар	Кредит маблағи	Жами харajatлар	Кредит маблағи	Жами харajatлар	Кредит маблағи	Жами харajatлар	Кредит маблағи
А										
Пахта										
Ғалла										
Жами										

(Миллион ҳажазлик ҳисобда)

Қишлоқ хўжалиги мақсулотларининг турлари	июл		август		сентябр		октябр		ноябр		декабр	
	Жами харajatлар	Кредит маблағи	Жами харajatлар	Кредит маблағи	Жами харajatлар	Кредит маблағи	Жами харajatлар	Кредит маблағи	Жами харajatлар	Кредит маблағи	Жами харajatлар	Кредит маблағи
А												
Пахта												
Ғалла												
Жами												

(Миллион ҳажазлик ҳисобда)

Қишлоқ хўжалиги мақсулотларининг турлари	июл		август		сентябр		октябр		ноябр		декабр	
	Жами харajatлар	Кредит маблағи	Жами харajatлар	Кредит маблағи	Жами харajatлар	Кредит маблағи	Жами харajatлар	Кредит маблағи	Жами харajatлар	Кредит маблағи	Жами харajatлар	Кредит маблағи
А												
Пахта												
Ғалла												
Жами												

Хўжалик раҳбари: имзо ўрни

Мўҳр ўрни

Хўжалик бош ҳисобчиси: имзо ўрни

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2005 йил 5 августдан 19 августгача бўлган маълумот

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Корхоналарни модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш бўйича салмоқли сармоя киритиш шарти билан назорат пакетини ташкил қилмаган акция пакет (улуш)ларини сотиб олган инвесторларга давлат улушини бошқариш ҳуқуқини бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2005 йил 8 июлдаги 01/06-18/03-сон қарори.*

2005 йил 5 августда 1504-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 15 августдан кучга киради).

2. «Ўзбекистон Республикаси ордени ва медаллари билан мукофотланган шахсларга бир йўла тўланадиган пул мукофотларини тўлашга маблағларни ажратиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2005 йил 23 июлдаги 67-сон қарори (янги таҳрирда).*

2005 йил 5 августда 1505-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 15 августдан кучга киради).

3. «Кадрларни давлат грантлари асосида мақсадли тайёрлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2005 йил 7 июлдаги 58, 154-1, 19, 02/2658-сон қарори.*

2005 йил 6 августда 1506-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 16 августдан кучга киради).

4. «Тайёр кийим-кечак (тикувчилик, трикотаж ва чарм буюмлар), пайпоқлар ва пойафзал ишлаб чиқаришга ихтисослашган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга нисбатан солиқ имтиёзларини қўллаш ва бўшаб қолган маблағлардан мақсадли фойдаланиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат статистика қўмитасининг 2005 йил 9 августдаги 72, 62, 2005-43, 4-сон қарори.*

2005 йил 10 августда 1264-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 20 августдан кучга киради).

5. «2005 йилда ғўза дефолиациясини ўтказиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2005 йил 11 августдаги 169-сон қарори.*

2005 йил 11 августда 1507-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 21 августдан кучга киради).

6. «Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2005 йил 3 августдаги 71, 266-В-сон қарори (янги таҳрирда).*

2005 йил 11 августда 1508-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 21 августдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси орден ва медаллари билан мукофотланган шахсларга бир йўла тўланадиган пул мукофотларини тўлашга маблағларни ажратиш тўғрисида тартиб. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (1997 йил 30 декабрь, рўйхат рақами 386).*

Адлия вазирининг 2005 йил 5 августдаги 121-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

2. Олий таълим муассасаларининг педагогика ва касбий таълим йўналишлари бўйича давлат грантлари асосида тахсил олган битирувчиларни умумтаълим мактаблари ва таълим муассасаларига ишга тақсимлаш тартиби тўғрисида низом. *Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан тасдиқланган (2004 йил 29 декабрь, рўйхат рақами 1438).*

Адлия вазирининг 2005 йил 10 августдаги 123-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

3. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисида низом ва 1, 2-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган (2005 йил 2 февраль, рўйхат рақами 1448, 2005 йил 22 март, рўйхат рақами 1448-1, 2005 йил 10 июнь, рўйхат рақами 1448-2).*

Адлия вазирининг 2005 йил 10 августдаги 126-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.